O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Куч—адолатда

АДОЛАТ

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий газетаси

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган ☼ 1999 йил, 24 сентябрь, № 32 (225) ☼ Жума кунлари чиқади ☼ Сотувда эркин нархда

РАЁСАТ ЙИҒИЛИШИ

САЙЛОВЛАРГА ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Кеча Тошкентда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Раёсатининг навбатдан ташқари йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партия фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига ва Президент сайловларига тайёргарлик ишлари муҳокама этилди. Йиғилишни Сиёсий Кенгаш биринчи котиби Турғунпўлат Даминов олиб борди.

Йиғилишда Сиёсий Кенгаш котиблари, Раёсат аъзолари, вилоят партия Кенгашларининг биринчи ва иккинчи котиблари иштирок этдилар. Сайловларга тайёргарлик ишлари бўйича вилоятлардан келган вакилларнинг ахборотлари тингланди. Йиғилиш сўнггида партиянинг иккинчи қурултойига тайёргарлик ишлари ҳам муҳокама қилинди. Сўзга чиққанлар сайловларни уюшқоқлик, кўтаринки руҳда ўтказишга, қонун устуворлигини таъминлашга ҳаракат қилажакларини билдирдилар.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎзА мухбирлари хабар қиладилар

ҚИШЛОҚДА ТУБ ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИ

Нукусда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга бағишланган кенгаш бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, макроиқтисодиёт ва статистика вазири Б.Хамидов бошқарган ушбу тадбирда сўзга чиққанлар бутун мамлакатдаги сингари Оролбўйи ҳудудида ҳам қишлоқ хўжалиги соҳасида туб ўзгаришлар юз бераётганини таъкидладилар. Бу борадаги қонун ҳужжатлари, Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларини ҳаётга изчил татбиқ этиш натижасида қишлоқда ишлар янгича ташкил этилмоқда, мулкдорлар синфи шакланмоқда. Шу билан бирга жойларда мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилмаётир. Айрим хўжаликларнинг номигина ўзгартирилиб, бошқарув ва ҳисоб-китоб эскича қолипда юритилмоқда. Фермер хўжаликларини ривожлантиришга етарли эътибор берилмаётир.

Кенгашда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси Т.Камолов қатнашди.

ХЬЮСТОНДАН БИЛИМ ВА ДАРСЛИКЛАР ОЛИБ ҚАЙТИШДИ

Андижон вилояти Жалолқудуқ туманининг Охунбобоев шаҳридаги 1-лицейнинг инглиз тили ўқитувчиси Саодатхон Исмонова АҚШдан қайтиб келди. У Хьюстон шаҳридаги университетда бир ой давомида «Акселе» таълим дастури бўйича махсус курсда малака оширди.

Океан ортига сафарга чиқишдан олдин С.Исмонова Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ва «Акселе» дастури бўйича америкалик касбдошлари ўтказган танловда ғолиб чиқди. Ватанига қайтишдан олдин Хьюстонлик ўқитувчилар унга қиймати икки минг доллар турадиган дарсликлар ва инглиз тилини чуқур ўрганиш бўйича кўргазмали қуроллар совға қилишди. Бу материаллар ўзбек ўитувчисига бундан-буёнги ишида қўл келади.

ЯНГИ КОЛЛЕЖЛАР ОЧИЛДИ

Наманган саноат касб-ҳунар коллежи талабалари машғулотларни янгиланган ўқув корпусларида бошладилар. Ётоқхона биноси ҳам бутунлай қайта қурилди. Қурувчилар мажлислар зали ва спорт залини, устахона ва ошхонани ҳам қуриб бердилар.

Бу ўқув юртини қуриш ва таъминлаш ишларига 200 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфлангани ҳам коллежга амалга оширилган ўзгаришлар кўламларини кўрсатади.

Наманган вилоятида сентябр ойида ҳаммаси бўлиб еттита касб-ҳунар коллежи ишга туширилди. Уларнинг орасида тиббиёт, маданият, қишлоқ хўжалик, енгил саноат коллежлари бор. Уларни фойдаланишга топширишлари учун жами 1,5 миллиард сўмдан кўпроқ пул сарфланди.

Вилоятда келгуси ўқув йили бошлангунга қадар яна йигирмата касб-ҳунар коллежини очиш режалаштирилган. Уларнинг ярми учун бинолар янгитдан барпо этилади. Ҳозир бу объектларда қурилиш ва таъмирлаш ишлари давом этмоқда.

Ҳисобот-сайлов конференциялари

МУНОСИБ НОМЗОДЛАР КЎРСАТИЛДИ

Ўз мухбирларимиз хабар қиладилар

Халқимиз ҳаётида муҳим давр бошланди. Мамлакатимиз истиқболи, равнақи, халқ бахт-саодати йўлида бўлиб ўтадиган бўлажак сайловлар бугун ҳар биримизнинг масъул паллага масъулият билан қарашга, уни уюшқоқлик билан ўтказилишига эришишга даъват этаяпти. Элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган энг муносиб замондошларимизни Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига номзодоликка кўрсатиб, уларни қўллаб-қувватлаш сари руҳлантираяпти. Бу галги сайловлар халқимиз тарихида катта воқеа бўлади. Унинг кўппартиявийлик шароитида, демократик асосларда ўтиши ҳар бир сиёсий партияга алоҳида масъулият юклайди. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши бугун ана шу юксак талаблардан келиб чиқиб, ўз ишини тобора жонлантирмоқда. Жойларда эса партия ташкилотларининг сайловдан сайловгача бўлган даврдаги фаолиятига бағишланган ҳисобот-сайлов конференциялари бўлиб ўтмоқда.

УРГАНЧ. Хоразм вилоят партия Кенгашининг ҳисобот сайлов конференцияси зўр уюшқоқлик билан ўтди. Унга жамланган делегатлар партия ташкилотининг фаолиятига холис баҳо беришиб, ҳисобот даврида қилинган ишларни алоҳида таъкидладилар.

«Адолат»нинг ўз ўрнини топиши ва нуфузига эга бўлиши учун катта ташкилотчилик ишларини амалга оширдилар. Туман ва шаҳарларда партия Кенгашлари тузилиб, партия сафларини сон ва сифат жиҳатидан кенгайтиришга алоҳида эътибор берилди. Шу билан бирга вилоят партия Кенгаши ҳисобот-сайлов конференциясида Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига муносиб номзодлар кўрсатилди. Ўзбекистон «Адолат»! социал-демократик партиясининг яқинда бўлиб ўтадиган II қурултойига делегатлар сайланди.

Конференцияда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг биринчи котиби, Олий Мажлис депутати Турғунпўлат Даминов иштирок этди ва сўзга чиқди. Конференциядан сўнг вилоят партия кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда Йўлдош Худойберганов вилоят партия Кенгашининг биринчи котиби, Маркс Бойимбетов Кенгашнинг иккинчи котиби, Хоразм қурилиш бошқармасининг бошилғи Райимбой Абдукаримов Кенгаш котиби этиб сайландилар.

ФАРҒОНА. «Ҳушёр ва фаол бўлайлик!». Фарғона вилоят партия Кенгашининг ҳисобот сайлов конференцияси делегатлари ана шундай шиор билан чиқдилар. Бу бежиз эмас, албатта. Бугунги кунда ҳушёрлик ва фаоллик ҳар биримизнинг ҳаракат мезонимизга айланиши керак. Конфеернцияда ҳисобот маърузасини қилган вилоят партия Кенгашининг иккинчи котиби Наримон Шодиев ва музокараларда сўзга чиққан делегатлар озод республикамизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш учун кураш қизғин паллага кирган шу кунларда ташқи ва ички душманларнинг, айниқса, диний экстремистик кучларнинг жазавага тушаётганини, қўшни Қирғизистоннинг Боткен туманида бўлаётган воқеаларни қаттиқ қораладилар.

Конференцияда вилоят партия Кенгашининг сайловолди ҳаракат дастури ишлаб чиқилди. Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига номзодлар кўрсатилди. Конференцияда вилоят партия Кенгашининг биринчи котиби Абдусамат Мамажанов, Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгашининг котиби, «Адолат» газетаси Бош муҳаррири Тўхтамурод Тошев иштирок этиб, сўзга чиқдилар.

НАМАНГАН. «Адолат — қудрат, адолат — бахт, адолат — виждон, адолат — иймон». Ўзбекистон Адолат социал-демократик паритяси Наманган вилоят Кенгашининг ҳисобот-сайлов конференциясида юқоридаги пурҳикмат сўзлар алоҳида тилга олинди. Ўзбекистонни мустақил, ҳалол меҳнат билан ризқ-рўз яратиш диёрига айланганлиги фахр-ифтихор ила таъкидланди.

Ўтган даврда вилоятда «Адолат» социал-демократик партияси аъзоларининг сони 7000 нафардан ортиб кетди. Ўз ҳисобот маърузасида вилоят партия Кенгашининг биринчи котиби Ҳакимжон Ҳалилов шуни қайд этар экан, ижобий ютуқларни тилга олиб, уларни партия сафларини мустаҳкамлашга хизмат этаётганлигини алоҳида эътироф этди. Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга бўладиган сайловларни кўтаринки руҳда ўтказиш масалалари муҳокама қилинди. Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодлар кўрсатилди. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг иккинчи қурултойига делегатлар сайланди.

Йиғилишда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг котиби, «Адолат» газетасининг Бош муҳаррири Тўхтамурод Тошев, партия Сиёсий Кенгаши аъзоси Акбарҳўжа Раҳимов иштирок этди ва сўзга чиқди.

ҚАРШИ. Бу ерда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Қашқадарё вилоят Кенгашининг конференцияси бўлиб ўтди. Конференция кун тартибидан ўрин олган Қашқадарё вилоят партия Кенгашининг ўтган даврда амалга оширган ишлари ва вилоят партия ташкилотининг келгусига мўлжалланган устувор йўналишлари бўйича вилоят партия Кенгашининг биринчи котиби, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Абдулла Абдуназаров ҳисобот берди.

Шунингдек, конференцида вилоят партия ташкилоти фаолияти юзасидан тафтиш комиссиясининг раиси Раҳматулла Мирзаев ҳам ҳисобот билан чиқди.

Конференция Қашқадарё вилоят партия Кенгашининг янги таркибини сайлади. Вилоят партия ташкилотининг тафтиш комиссияси ҳам янгитдан сайланди. Конференция сўнггида вилоят партия Кенгашининг беш йиллик фаолияти маъқулланиб, иш юзасидан тегишли қарор қабул қилинди ҳамда Ўзбекистон «Адолат» солциал-демократик партиясининг иккинчи қурултойига вакиллар сайланди.

Конференциядан сўнг вилоят партия Кенгашининг Пленуми бўлиб ўтди. Пленумда Абдулла Абдуназаров вилоят партия Кенгашининг биринчи котиби этиб, илгари Қарши туман партия Кенгашининг биринчи котиби бўлиб ишлаган Аъзам Жўраев вилоят партия Кенгашининг иккинчи котиби этиб сайланди.

ТОШКЕНТ. Вилоят партия Кенгашининг бу ерда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов конференцияси ҳам ишчанлик руҳида ўтди. Делегатлар партия ташкилотининг ҳисобот давридаги фаолиятини таҳлил этишиб, олдинда турган вазифаларни белгилаб оладилар. Партиянинг ҳисобот давридаги фаолияти ва келгусидаги ишлари юзасидан Тошкент вилояти партия Кенгашининг биринчи котиби Турғун Иргашев маъруза қилди. Қизғин музокаралардан сўнг конференция партиянинг бўлажак қурултойига делегатлар сайлади. Олий Мажлис ва маҳаллий кенгаш депутатлигига номзодлар кўрсатилди. Конференция ишида партия Сиёсий Кенгаши аъзоси, Ўзбекистон Фанлар академияси Президенти Тўхтамурод Жўраев, партия Сиёсий Кенгашининг иккинчи котиби Абдували Ғуломмаҳмудов иштирок этди ва сўзга чиқди. Конференциядан сўнг бўлиб ўтган вилоят партия ташкилотининг ташкилий Пленумида унинг янги таркиби сайланди.

САМАРҚАНД. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Самарқанд вилоят кенгашининг конференцияси ҳам долзарб масалаларга бағишланди. Жумладан вилоят Кенгаши фаолияти ҳақида ҳисобот, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва иккинчи чақириқ халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлигига номзодлар кўрсатиш, «Адолат» социал-демократик партияси иккинчи қурултойига делегатлар сайлаш ҳамда партия ички ҳаётига оид бошқа масалалар муҳокама этилди.

Делегатлар «Адолат» СДП вилоят Кенгашининг биринчи котиби Ў. Нурмуҳаммедовнинг ҳисобот маърузасини тингладилар.

Музокараларда Самарқанд шаҳар Сиёб туман партия Кенгашининг биринчи котиби Ҳабиб Раҳматуллаев, Жомбой туман Кенгашининг биринчи котиби Сайфулла Саидов, Иштихон давлат туман марказий шифохонаси бош ҳакими Умар Иброҳимов, Самарқанд давлат чет тиллар институти профессори Неъмат Турниёзов ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Анжумнада Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши котиби, Олий Мажлис депутати Улуғбек Дониёров сўзга чиқди.

Шунингдек, ҳисобот-сайлов конференциялари Тошкент шаҳри, Сирдарё, Жиззах, Андижон, Сурхондарё, Навоий вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси партия Кенгашларида ҳам бўлиб ўтди.

Сайловолди тилаклари

НУРЛИ КЕЛАЖАК УЧУН

Тирик жон борки нурга талпиниб яшайди. Саккиз йилдирки, барчамиз чинакам ҳаёт нуридан баҳраманд бўлиб яшаяпмиз. Юртимиз мустақиллиги бизга қанчалик улуғ неъмат эканини дилдан ҳис этаяпмиз. Бугун ҳаётга қарашларимиз бошқача. Жамият ҳақидаги тушунчамиз ҳам тамомила ўзгарган.

Юрт равнақи, тараққиёти аслида барчамизга боғлиқ экан. Буни бугунги кунда сайловлар ҳақидаги гап-сўзлардан англаб турибмиз. Ойнаи жаҳон орқали намойиш этилаётган кўрсатувларда сайлов ҳақида сўз кетгани ҳамоно вужудим қулоққа айланади. Эътибор билан қарайдиган бўлсак, Бош қомусимиз — Конституцияда сайлов ҳуқуқимиз аниқ-равшан ёзиб қўйилган. Бундан ташқари сайлов тўғрисидаги қатор қонунларимизда ҳам фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари батафсил баён этилган. Фақат, ҳар бир онгли инсон бу муҳим қонунларни эътибор билан ўқиши, мазмун-моҳиятини уқиши зарур. Шундагина ҳуқуқий билим ва маданиятимиз ошиб бораверади. Бу эса, ўз навбатида эртанги сайловларда ўз самарасини кўрсатиши табиий.

Олтмишинчи йиллардан бери сайловларда оддий сайловчи сифатида иштирок этиб келаман. Очиғи, яқин-яқинларгача сайловнинг аҳамиятини деярли тушунмаганмиз. Илгари сайловлар номигагина ўтказиларди-да. Сайлов куни эълон қилинарди. Ўша куни оиламиздан бир киши бориб, ҳаммамиз учун «айтилган номзод»га овоз бериб келаверардик. Ўша номзодни танисак-танимасак, айтилдими — овоз бераверардик.

Юртимиз мустақилликка эришганидан кейин сайловнинг аҳамиятини чинакам тушундик. 1994 йилда ўтказилган сайловларнинг туб моҳиятини тушунмаган сайловчи қолмаган бўлса керак. Ўшанда ҳам муносиб номзодларга овоз берганимизнинг мевасини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Ўтган беш йил мобайнида мамлакатимизда амалга оширилган улуғвор ишларнинг санаб адоғига етолмайсан киши.

Эътибор билан қарасангиз, мустақил юртимизда тараққиёт ҳар томонлама бўляпти. Одамлар онги, дунёқарашида ҳам ўзига яраша ривожланиш бор. Демоқчиманки, бу йилги сайловлар ҳам беш йил илгари бўлиб ўтган сайловлардан анча фарқ қилса керак. Аввало, бешта сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органлари ва фуқаролар ташаббускор гуруҳлари томонидан энг муносиб кишилар танланиб — номзодлар кўрсатилади. Сайловчилар эса, ўзлари учун энг муносиб номзодларга овоз бериш ҳуқуқига эгадир. Эндиликда одамлар ўзлари сайлаган депутатлари орқали юрт келажаги учун ўз ҳиссаларини қўшаётганларини яхши англайдилар.

Жаннатмакон юртимиз, меҳнаткаш халқимиз, ҳаётимиз давомчилари бўлмиш фарзандларимизнинг нурли келажаги учун бу йилги сайловларда иштирок этар эканмиз, онгли равишда энг муносиб номзодларга овоз берамиз.

Бонатхон АБДУРАСУЛОВА,
Иштихонлик кўп болали она.

● Москвада собиқ Иттифоқнинг биринчи ва охирги президенти рафиқаси душанба куни кечаси 67 ёшида Германиянинг Мюнстер шаҳридаги касалхоналардан бирида оламдан ўтган Раиса Горбачёва билан фуқароларнинг сўнгги видолашуви бўлиб ўтди.

● **Туркия махсус хизмати вакиллари Италиянинг ташқи ишлар вазири Ламберто Динига суиқасд уюштирмоқчи бўлган террорчини ҳибсга олди.**

● Германия ички ишлар вазири Отто Шили амалий ташриф билан Косовога жўнаб кетди. У ўлкада «Косово озодлик армияси»ни қуролсизлантириш жараёни билан танишади.

● **Замбия олий суди 1997 йилда давлат тўнтаришини амалга оширмоқчи бўлган 59 нафар ҳарбий хизматчини ўлимга маҳкум этди.**

● Мексикада табиий офат юз берди. Кучли ёғингарчилик оқибатида 12 киши қурбон бўлди, бир неча минг киши бошпанасиз қолди, 40 мингдан зиёд аҳоли хавфсиз жойга кўчирилди.

● **Шу йилнинг 7-14 ноябрь кунлари Германиянинг Кельн шаҳрида халқаро санъат асарлари кўргазмаси бўлиб ўтади. Унда Европа, Осиё ва Океан орти мамлакатларидан келган 100 дан ортиқ санъат усталари ўзларининг ноёб асарлари билан қатнашадилар.**

● Покистонда юз берган темир йўли ҳалокати туфайли 20 киши вафот этди, 53 киши жароҳатланди.

● **Австриянинг Даниядаги элчихонаси биноси ичига номаълум шахслар томонидан ёқилғи тўлдирилган шишалар ташланди. Натижада бино анча зарар кўрди. Элчихона ходимлари орасида жароҳатланганлар йўқ.**

● Колумбияда яширин наркотик моддалар савдоси ва наркоманияга қарши курашиш билан шуғулланадиган минг кишидан иборат махсус янги бўлинма ташкил этилди.

● **«Озодлик» радиоси хабарига қараганда, Европа Иттифоқи Ливияга қарши кўрилган барча иқтисодий чораларни (мамлакатга қурол олиб киришни тақиқлашдан бошқа) бекор қилди.**

● АҚШ ҳукумати шарқий Тимордаги ҳарбий жиноятчилар устидан суд жараёни ўтказиш масаласини кўриб чиқмоқда. Бу ҳақда АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт БМТ бош қароргоҳида Бош котиб Кофи Аннан билан учрашувдан сўнг маълум қилди.

Бельгия. «Ное» меъморчилиги мажмуаси.

● **Сентябрь охирларига қадар Афғонистонда жойлашган «БАА-2» ҳарбий машқ лагеридан чечен террорчиларига ёрдам бериш мақсадида 100 га яқин араб жангарилари юборилиши режалаштирилган, деб хабар қилади РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси.**

Ажаб савдолар

Ҳоким жаноблари, қонунни биласизми ёки?!.

Қашқадарё вилояти ҳокими вилоят «Матлуботсавдо» ҳудудий акциядорлик компаниясига компания ихтиёрида бўлган — («Вилоятулгуржимевасабзавот» акциядорлик бирлашмасидан қабул қилинган) 30 миллион 195 минг 500 сўмлик акция, Газ 31029 «Волга» русумли автомашинаси, компьютер ва бошқа жиҳозларни бир ҳафта муддат ичида «Қашақадарёбозортайёрловсавдо» уюшмаси ихтиёрига тўловсиз равишда ўтказиш хусусида ноқонуний фармойиш берган.

Вилоят ҳокимининг 1998 йил 29 октябрдаги фармойиши билан «Пахтасаноатсотиш» давлат акциядорлик жамиятига 1998 йил пахта ҳосили ҳисобидан 149 миллион 72 минг сўмлик «чит» материали ажратишни ноқонуний равишда белгилаганига нима дейсиз?!

Минг тўққиз юз тўқсон тўққизинчи йилнинг олтинчи апрелида яна бир ноқонуний қарорга имзо чекилди. «Насаф» футбол клубини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қарори билан қирқ олтита корхона, ташкилот, муассаса ва акциядорлик жамиятларининг розилигисиз, улар клубга ҳомий деб топилиб, ҳисоб рақамларидан футбол клуби ҳисоб рақамига 423 миллион сўм пул маблағи ажратиш топширилган.

Спорт, хусусан футбол ҳалолликни ўқтиради. Шундай экан, кейинги йилларда нафақат Қашқадарёда, балки, республикамизнинг бошқа вилоятларидаги футбол жамоаларини ҳам молиявий таъминлаш борасида қонунбузарликлар содир этилаётганлиги ташвишлидир. Аччиқ бўлса ҳам айтамиз: футбол жамоалари бозор иқтисодиёти тамойилларидан келиб чиқиб иш юритишни қачон ўрганадилар? Бу борадаги чет мамлакатлар футбол клубларининг иш тажрибалари чуқур ўрганилиб жамоалар ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш йўлларини тезроқ ўргансалар айрим ҳокимларнинг «қаердан маблағ топаман» деб бошлари қотмас эдилар ва ноқонуний ҳужжатларни имзоламасдилар. Футбол жамоаси учун боқимандалик оғир хасталикдир. Уни даволамасдан биз орзу қилган, жаҳон футбол ишқибозларини ўринларидан турғизиб, қарсаклар чалдирадиган ўйинчилар етиштира оламизми?

Яширмаймиз. Молиявий масалалар билан шуғулланувчи мутахассислар футбол жамоаларга миллионлаб сўмларни иложсизликдан, маҳаллий бошқарув органлари ва ҳокимиятларнинг таъзиқи остида ўтказишни давом эттирмоқдалар.

Бу миллионлар минглаб инсонларнинг пешона теридан, тинимсиз меҳнатидан пайдо бўлган эмасми? Ҳақдорларнниг қонун билан ҳимояланган моддий манфаатдорлик ҳуқуқи топталишига қачон чек қўйилади?

Майдонда бир неча йил тўп сурган ўспирин йигит, бутун умрини илмга бағишлаган олимдан, қўллари қадоқланган ҳосилотдан, зиёсию-кўз нурини болаларнинг билим олиши учун бахшида қилган муаллимдан тўрт-беш баробар ортиқ миқдорда нақд маош олиб турса, бунга нима дейсиз?

Қашқадарё вилоятининг ўзида 1998 йил иккинчи ярми ва 1999 йил биринчи ярмидан маҳаллий ҳокимиятлар томониданд 97 қарор ва 25 та фармойишлар амалдаги қонун талабларига хилоф равишда қабул қилинган ва чиқарилган.

Ташвишлиси, вилоятда ҳокимликларнинг мансабдор шахслари томонидан қонунда белгиланган ваколат доирасидан четга чиққан ҳолда 15 та қарор ва фармойишларга имзо чекилган.

Шундай ноқонуний қарорлар қабул қилиш ва фармойишлар бериш Сирдарё вилояти ҳокимияти томонидан ҳам тез-тез содир этилаётганлиги ташвишлидир. Вилоят ҳокимининг 1998 йил 14 декабридаги «Олий лигада «Янгиер» футбол жамоаси тайёргарлиги ва қатнашувини таъминлаш тўғрисидаги қарорида футбол жамоасига 60 та корхона, ташкилот ва муассасалар ҳомий деб белгиланиб, улар ҳисобидан 1999 йилнинг 1 февралигача 83 миллион сўм пул ўтказишлик мажбурий равишда юклатилган.

Шу вилоят ҳокимининг яна бир қарори билан вилоят «Агроқимётаъминот» бирлашмаси маъмурий биноси баланс қиймати бўйича вилоят ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармаси балансига ўтказилиши кўрсатилиб, ушбу бирлашмага бинони пардозлаш учун 6 миллион сўм маблағни «Сирдарёжамхўжқурилишхолдинг» акциядорлик жамиятига ажратиш ноқонуний равишда белгиланган.

Республика прокуратураси идоралари томонидан маҳаллий ҳокимликлар ҳамда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан 1998 йил иккинчи ярми ва 1999 йил биринчи ярмида қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг қонунийлиги текширилди. Аниқланишича, шу даврда республика бўйича маҳаллий ҳокимликларнинг 899 та қарори ва 143 та фармойиши амалдаги қонун талабларига ҳилоф равишда қабул қилинган ва чиқарилган. Самарқанд, Жиззах, Наманган, Сурхондарё вилоятларида ҳам ноқуонуний қарорлар қабул қилиш тез-тез содир этилмоқда. Ноқонуний қарор ва фармойишларни мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги Қонуннинг 25-моддаси билан берилган воколатлар доирасидан четга чиқиб қабул қилаётирлар. «Меҳнат» қонунлари бузилмоқда. «Мулк ва корхоналар тўғрисида»ги қонунларга риоя этилмаётир. Айрим холларда тегишли кенгаш тасдиғига киритилмаяпти.

Айрим ҳокимлар ҳуқуқий давлат қуришга кўпроқ ҳисса қўшишга қодир эмасликларини ошкор қилиб қўймоқдалар. Ҳақли савол: ўша ҳокимлар қонунни билмайдими? Билади?! Аммо унга беписанд муносабатда бўлиб, вақолатидан четга чиқади.

Хўш, қонунларга риоя қилишни қачон ўрганамиз, жаноб хокимлар?

Ғуломжон ШУКУРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси Умумий назорат бошқармаси бошлиғи ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси.
Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,
«Адолат»нинг махсус мухбири.

Қарор қандай бажарилмоқда?

ЁШЛАР ТАҚДИРИГА КИМ ҚАЙҒУРАДИ?

Ўзбекистон келажаги — ёшлар қўлида. Зеро, Ислом Абдуғаниевич Каримов айтганларидек: «Фарзандларимиз биздан кўра ақллироқ, донороқ, ва албатта батли бўлишлари шарт».

Бунинг учун энг аввало ёшларимизга таълим сохасидаги имконият эшиклари очиқ бўлмоғи даркор. Келажакда хали маданият, илмуурфон бешигини тебратган сарзаминимиз яна жаҳон андозаси тамойилини олиб, таянч нуқатасига айланадиган кунлар келиши аниқ. Чунки Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан бу борада қабул қилинаётган фармон ва қарорлар, ёшлар тақдири давлат сиёсати даражасида хал этилаётганлиги бизга ёруғ ва мунаввар кунлардан дарак бермоқда. Айниқса, «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ана шундай аҳамиятга молик хужжатлардир.

Шу ўринда бир савол туғилади. Ҳамма жойда ҳам «Таълим тўғрисида»ги Қонун қатъий амалдами? Айрим мутасадди раҳбарларимизнинг ўз хизмат лавозимига совуққонлик, лоқайдлик билан ёндошишидан таълим муассасаларида қатор муаммоларга дуч келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 август кунги «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» ижросини қонунийлигини аниқлаш мақсадида Фарғона тумани худудидаги билим юрти, мактаб ва боғчаларда текшириш ўтказилганда, мазкур қонун мезонлари ва талаблари эътибордан четда қолаётганлиги аниқланди. Бугунги кунда туман худудида иккита билим юрти, туман халқ таълими бўлимига қарашли 59 та мактаб, 2 та иқтидорли ўқувчилар мактаб-интернати, 59 та болалар боғчаси, муассасалар фаолият кўрсатаётган бўлиб, текшириш жараёни айрим таълим-тарбия муассасаларида қонунлар ижросига маъсулиятсизлик билан муносабатда бўлинаётганлигини кўрсатди.

Тумандаги қатор ўрта мактабларда спорт заллари мавжуд эмаслиги, айрим мактаб ва болалар боғчаларида водопровод сувлари йўқлиги ёшлар, кичкинтойлар саломатлигини асрашда турли муаммолар туғдирмоқда. Шунингдек баъзи бир мактаб ва болалар боғчаларининг бинолари талабга жавоб бермаслиги, яъни авария холатида эканлиги мутасадди раҳбарларни ташвишлантирмаётганлиги ачинарлидир. Ҳудуддан кўплаб мактаблар ҳамда болалар боғчалари ҳанузгача газлаштирилмаганлиги, шунингдек, тумандаги мактабларнининг учдан икки қисмида компьютер техникаси мавжуд эмаслиги қандай изохлаш мумкин?

Маблағ етишмаслиги оқибатида мактаблардаги электр, газ, телефон алоқалари узиб қўйилганлиги, таълим муассасалари соғлиқни сақлаш учун зарур ва зарарсизлантирувчи моддалар билан таъминланмаётганлиги ғоят ачинарлидир. Тумандаги Каптархона қишлоғида жойлашган 2 — 3 сонли касб-ҳунар мактаби 1930 йилда қурилган бўлиб, авария холатида, замонавий талабларга жавоб бермайди, спорт зали, водопровод суви йўқ. Бу ачинарли ахвол ва лоқайдлик билан қонунларни бажариб бўладими? Ёшлар келажаги, тақдири учун ким қайғуради?

С. ЗУБАЙДУЛЛАЕВ,
Фарғона тумани прокурори, адлия катта маслаҳатчиси.

Партия ва ҳаёт

АДОЛАТНИНГ ЙЎЛЛАРИ ОЙДИН

дейди Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Хоразм вилоят Кенгашининг биринчи котиби, Олий Мажлис депутати Йўлдош ХУДОЙБЕРГАНОВ

— Ёшулли, аввало ватанимизнинг бир гуруҳ мутахассислари қаторида яқинда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи» фахрий унвонига эга бўлганлигингиз билан қутлаймиз. Уни ўзингиз кўп йиллардан бери бошқариб келаётган жамоа «Хоразм сув иншоотлари қурилиши» трести ҳаётида ҳам муҳим воқеа бўлгани бизга сир эмас...

— Раҳмат! Бу ҳам албатта мустақиллигимизнинг шарофати боис. Унинг шуури ила ҳақиқий меҳнат кишисининг бугун алоҳида қадр-қиммат топаётгани очиғи ҳаммани бирдек тўлқинлантирмоқда.

— Албатта ана шундай қувончлар оғушида энг улуғ, энг мўътабар байрам — мустақиллигимизнинг саккиз йиллигини катта шодиёналар билан нишонлаб яна сурурли меҳнат қучоғига киришдик. Эл-юрт равнақи, истиқболи йўлида жуда кўп эътиборли ишлар қилинаётганлигини ҳозир ҳамма кўриб, ҳис этиб турибди. Уларни номма-ном санаб адоғига етказиб бўлмайди. Айниқса, юртбошимизнинг ташаббуси билан «1999-2001 йилларда Хоразм вилоятида бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қарорни алоҳида эътироф этмоқ жоиз.

— Нимасини айтасиз? Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, бу қарорни жамоамиз ишчи-хизматчилари, Хоразм вилояти меҳнаткашлари катта қувонч, кўтаринки кайфият ва зўр мамнуният билан қабул қилдилар. Юқорида айтиб ўтилганидек юртбошимизнинг шахсий ташаббуси билан бошланган вилоят иқтисодиётини ривожлантиришда, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган бу тарихий дастур барчамизни янада самаралироқ ишлашга, фаолроқ ҳаракат қилишга ундайди. Бу тарихий дастурда белгиланган вазифаларни бажариш эса ҳар бир хоразмлик учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

— Бу дастурда Сиз раҳбарлик қилаётган «Хоразм сув иншоотлари қурилиши» трести жамоаси зиммасига қандай вазифалар юкланган!

— Хоразм воҳаси аҳли суғориладиган экин майдонларининг қадрини жуда яхши билади. Чунки, қум барханлари бағридан янги ерларни очиш жуда катта куч, жасорат, меҳнат ва маблағни талаб этади. Дастур бўйича кейинги уч йил ичида вилоятда 10 минг 500 гектар экин майдонларининг тупроқ унумдорлигини ошириш, 10 минг гектар ернинг мелиоратив холатини яхшилаш, шунингдек, 3 минг гектар янги ерларни ўзлаштириш кўзда тутилган. Бу юмушларни биз билан бир қаторда вилоятимиздаги шу ишга масъул бўлган бошқа бир қатор ташкилотлар амалга оширади. Биз яқинда Қўшкўпир туманида 60 гектардан иборат янги ерларни ўзлаштиришга киришдик. Юқоридаги вазифаларни бажариш учун эса бизда техника ҳам, ишчи кучи ҳам, малакали мутахассислар ҳам етарли.

— Жамоангизнинг ярим йиллик иш якунлари ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтсангиз?

— Трестимизда 3 мингга яқин қурувчи, ишчи-хизматчилар меҳнат қилишади. Деярли барча кўрсаткичлар бўйича олти ойлик режаларимизни ортиги билан уддаладик. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида 530 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Бугунги кунда трестимиз бунёдкорлари янги ерларни ўзлаштириш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ерларнинг мелиоратив холатини яхшилаш каби юмушлар билан бир қаторда Жалолиддин Мангуберди ҳамда Ал-Хоразмий мажмуалари қурилишида, Урганч шаҳридаги қурилиш коллежини таъмирлашда, жўшкин Амударё сувини жиловлашда астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Шу ўринда бир воқеани эслаб ўтмоқчиман. Касбим юзасидан Жалолиддин Мангуберди мажмуаси қурилишида тез-тез бўлиб тураман. Яқинда унинг лойиҳачиси, истеъдодли меъмор Полвонзода Солиев билан суҳбатлашиб қолдик. Талабалик йилларингизда шундай улкан ҳамда тарихий мажмуа лойиҳасини муаллифи бўлиш хаёлингизга келганми, — деган саволимга у шундай жавоб берди: — «Йўлдош ака, очиғи турғунлик йилларида бундай нарсани орзу ҳам қилиб бўлмасди. Толеимдан айланай, фақат истиқлол туфайлигина маънавиятимизни тиклаш борасидаги саъй-ҳаракатлари туфайлигина ота-боболаримизнинг асрий орзулари амалга ошмоқда». Дарҳақиқат, Урганч шаҳрида, Хоразм вилоятининг барча туманларидаги бугунги улкан ўзгаришлар, халқ фаровонлиги йўлида олиб борилаётган изчил иқтисодий ислоҳотлар фақат мустақиллигимиз туфайлидир.

— Албатта. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ҳам мана шу мустақилликнинг сермаҳсул меваси бўлди. Эндиликда сиз унинг вилоятдаги Кенгашига раҳбарлик қилиб келмоқдасиз. Партия Сиёсий Кенгашининг аъзоси, Олий Мажлис депутатисиз. Қолаверса, деярли 32 ёшингизда 3000 кишилик жамоага бошлиқ бўлган экансиз. Мана 25 йилдан ошдики трестнинг раҳбарисиз. Бу вазифаларни бир пайтнинг ўзида олиб бориш бир кишига оғирлик қилмайдими?

— Албатта оғир. Аммо ишлаган одам ҳар доим ҳам имконият топаверади. Адолатнинг йўллари ойдин. Унга ўзини бағишлаган одамнинг ишлари юришиб кетаверади. Чунки адолат покликни, халолликни, ижтимоий тенгликни, қўйинги, ҳамма яхши нарсаларни ёқтиради. Бизни бир мақсад, бир маслак йўлида бирлаштирган партиямиз ҳам ана шу улуғ қарашларга хизмат қилмоқда десам муболаға бўлмайди. Шу боисдан ҳам партиямизнинг сафи сифат ва сон жиҳатидан тобора ўсиб мустаҳкамланиб бормоқда. Ҳозир вилоят партия ташкилотимизга 3000 нафарга яқин аъзо бирлашган. Уларнинг ҳар бири эл-юрт иши учун ёниб яшайдиган, халолпок, меҳнаткаш-заҳматкаш кишилардир.

Ҳозир партия ташкилотимизнинг олдида бўлажак сайловларни уюшқоқлик билан ўтказишдек муҳим вазифалар турибди. Яқинда ўтказилган партия конференциямизда бу борада қилинадиган ишларнинг режасини белгилаб олдик. Партия Кенгашимизнинг сайловолди ҳаракат дастурини ишлаб чиқдик. Энг муносиб кишиларни Олий Мажлисга, вилоят, туман ва шаҳар маҳаллий Кенгашлари депутатлигига номзодини кўрсатдик. Бўлажак сайловларда Адолат партиясининг ўз мавқеини янада мустаҳкамлашига ҳеч шубҳам йўқ. Чунки у адолатни қарор топтиришдек улуғ ишга хизмат этмоқда.

— Ҳамкасбларимиздан бири сиз ҳақингизда «Йўлдош акага тош отишса, у киши ош отади» дедилар...

— Жуда ошириб юборибди. Халқимизда ўт балосидан, сув балоси, туҳмат балосидан асрасин деб бежиз айтилмаган. Турғунлик даврида имзосиз хатлар бўлар эди. Эҳ-ҳе бу бошдан не савдолар ўтмаган, дейсиз? Мен бу масалага бироз фалсафийроқ нуқтаи-назардан ёндошишни ёқтираман. Яъни, ҳаётда ҳамма яхши бўлса, ёмонни қаердан биласан дейишар экан. Асрлар давомида яхшилик, эзгулик билан бир қаторда унга қарама-қарши кучлар ҳам бўлган. Шунинг учун ҳамкасбимми, танишимми бирон бир ёмонлик қилса ўзимни билмаганга олишга ҳаракат қиламан. Қўлимдан келса яхшилик билан жавоб қайтараман.

— Сиз учун ҳаёт мазмуни нима?

— 35 йилдан буён чўл ўзлаштирамиз, канал, зовур қазиймиз, кўприк қурамиз, уй-жой бунёд этамиз... Биласизларми, ана шу йиллар давомида Хоразм вилоятида 50 минг гектардан ортиқ янги ерлар ўзлаштирилиб, минглаб гектар экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилабмиз. Қанчадан-қанча дренаж тармоқлари, канал ва зовурлар қазибмиз. Мингдан ортиқ кўприклар қурибмиз. Нокамтарлик бўлмасин-у баъзи туманларни қадамма-қадам кезиб чиққанмиз. Ўзимизда болалар оромгоҳи бор. Қанчадан қанча ишчи-хизматчиларимиз уй-жой билан таъминланди. Бу йил ҳам 16 оила учун уй қураяпмиз. Буларнинг барчаси ҳамжиҳат, меҳнаткаш, ўз касбининг ҳақиқий усталари бўлган жамоамиз аъзолари меҳнатининг маҳсулидир. Мен учун эса энг муҳими бирон воқеа ёки унутилмас кун муносабати билан трестимиз бунёдкорларининг юзидаги қувончни кўриш. Шундай пайтларда кўнглим тоғдек кўтарилади.

— Шу касбни танлашингизга нима сабаб бўлган? Баъзан бу оғир соҳада ишлаётганингиздан афсусланмайсизми?

— Назаримда, буни тақдир дейдилар, яна билмадим. 1959 йили ўрта мактабни тамомладим. У пайтларда Тошкентдек шаҳри азимга келиб ўқишни осон иш эмас эди. Урганч шаҳрига борса адашиб қоладиган мендек ёш йигитни Тошкентга ўқишга юборишни отаонам ҳам унчалик хоҳламас эди. Қолаверса, хўжалигимиз раҳбарлари паспорт беришмади. Чунки, хўжаликка биздек ёшлар, қўл кучи керак эди. Мактабимизда ажойиб инсон, Бекжон ака Қозоқов деган математика ўқитувчиси бўлар эди. Аслида шу кишининг номини, довруғини эшитиб бу мактабга ўқишга ўтгандим. Тасаввур қилинг, 16 ёшдаги ўспирин бола нима қилишини, қаерга боришини билмай боши қотиб, кўнгли ўксиб юрган пайтда ана шу киши менга ёрдам бердилар. Тошкентга қандай боришимни, қаерга ҳужжат топширишимни тушунтирдилар. Ҳеч эсимдан чиқмайди, мен у кишидан «Бекжон ака, у ерда ўқисам мен ҳам сиздек муаллим бўламанми деб сўрагандим. У киши эса «ўғлим дунёда муаллимдан бошқа ажойиб касблар кўп. Сен ўқийдаган олий даргоҳ элимиз учун, халқимиз учун ниҳоятда зарур мутахассислар тайёрлайди» деб жавоб қилдилар. Буларнинг барчасини кейинроқ тушундим. Устозим оламдан ўтганига анча бўлди. Жойи жаннатда бўлсин. У кишини ҳалиҳалигача хотирлаб, эслаб юраман. Бундай инсонлар бир умр хотирамизда қолади.

— Қандай армонларингиз бор?

— Бу дунёда беармон одам бормикин? Очиғи раҳматли онамни кўп эслайман. Ниҳоятда камтар, хушфеъл, меҳнаткаш, заҳматкаш эдилар. У пайтларда ёшлик қилдимми, ёки ишга берилиб кетдимми онамдан тез-тез хабар ололмасдим. Ойда бир уйга борганимда онам «Ўғлим ишинг кўп биламан, лекин отангдан хабар олиб тур» дердилар. Шу сўзларини кўп эслайман.

1990 йилда онам оламдан ўтгандан сўнг у кишининг қадрини, оилада онанинг ўрнини, она меҳрини юракдан ҳис қилдим. Онам ҳаёт пайтларида ҳовлида кичкина қурилиш қилмоқчи бўлдик. Катта ташкилот раҳбариман, топиш-тутишим яхши. Лекин онам қарши бўлгандилар. «Ўғлим дўст душман бор, яна устингдан ёзиб юришмасин, худога шукр бошқалардан кам жойимиз йўқ», дегандилар. Шу сўзларини эсласам кўзимга ёш келади.

— Йўлдош ака, энди анъанавий савол: келгуси режаларингиз қандай?

— Ўзбекистонимизнинг жаҳондаги энг илғор давлатлар қаторидан ўрин олишини кўрсам дейман. Юртбошимизнинг доно раҳбарлигида унинг келажаги буюк бўлишига ишончим комил. Ва бу улуғвор тарихий жараёнда менинг ҳам уммондан томчидек ҳиссам бўлса бошқа армоним бўлмайди.

Сухбатдошлар:
Йўлдош ИСМОИЛОВ.
Рустам АҲМАДАЛИЕВ.

Бўка туманида пахтани қўлда териш бошлаб юборилди. Фурсатни ғанимат билиб ишчи кучлари далага тўла сафарбар этилган жойларда «оқ олтин» хирмонлари тобора кўкка бўй чўзаётир. Тумандаги Жамбул номли ва Барот Умаров номли хўжаликлари ҳақида шу фикрларни айтиш мумкин. Суратларда: 1. Жамбул номли ширкатлар хўжалигининг ширкат раҳбари Тошмурод Чориев (ўртада) илғор теримчилар билан. 2. Барот Умаров номли хўжаликнинг юқори ҳосилли бригадаси бошлиғи Абдуғани Толипов бригада аъзолари ишидан мамнун.

Ҳусанбой АВВАЛОВ олган суратлар.

Она ҳасрати

НОПОК — ПОК БЎЛАРМИКИН?..

«Қимирлаган қир ошар» деганларидек, қимирлаб турсангиз дунёнинг қайси бир бурчагида нималарга дуч келмайди, киши. Мен кузатаётган бу воқеани Тошкентимизнинг қоқ ўртасида, айни Амир Темур ҳайкали ёнида, ҳуқуқшунослар мактаби олдида бўлаётгани ажаб: бир тўда ёшлар қандайдир сочлари қордай оппоқ бўлиб кетган онахонни ўраб туришар ва у кишининг гапига қулоқ солишар, ҳар замонда ҳайратомуз бош чайқашарди. Онахон эса ёш йигит-қизларга қараб гапида давом этарди:

— Мана бир қўлимда бошимдан кечган, «Муштум» журналида: «Ўн бир йиллик можаро» сарлавҳаси остида чоп этилган фельетон, иккинчи қўлимда эса ўн бир йилда 13 йиллик можарога ўсиб борган «Раҳимов Хуршид эмас, Раҳимова Хуррият!» эканлигимни исботлаш учун қилган саъй-ҳаракатларим ифода этилган ва «Хуррият» газетасида босилган мақола.

Онахон нимагадир бироз тин олгандай бўлдилар-да, Амир Темур ҳайкалига бир қайрилиб гапида давом этдилар: — Ҳаммангиз яхши биласизлар, Темур бобомиз: «Куч адолатда» деганлар. Ўн уч йилдан буён ана шу кучни, адолатни топа олмай сарсону саргардонман. Президентимиз шундай кучларни сиз ёшлар орасидан қидиришни лозим топдилар. Келинглар, бу фельетонни ва «Хуррият» рўзномасида чиққан шикоятимни ўқиб-ўрганиб, ёшлар мафкураси нуқтаи-назари ила фикр юритиб, давлатнинг пули ҳам етмасмиш...»

Мутаасддилар вазирнинг бу гапларига ишондими, йўқми, ишқилиб улар мени яъни 9 фарзанднинг онаси Раҳимова Хуррият эмас, 13 йилдан буён сарсон-саргардон бўлишига ўз ҳиссаларини қўшган вазирни ҳимоя қилдилар. Бу можаро улғайиб, 13 йилга етганида «Хуррият» рўзномасининг шу йил 13 январь сонида «Раҳимов Хуршид эмас, Раҳимова Хуррият!» деган шикоятни чоп этилди. Унда мени 1986 йилнинг 15 май куни 50 ёшга тўлишим муносабат билан, қолаверса 9 фарзанднинг онаси эканлигим боис, Чилонзор туман ижтимоий таъминот бўлимига тегишли хужжатлар асосида нафақа тайинлашларини сўраганим, мутасаддилар мурожаатимга юзаки қараши оқибатида «Хуррият» номим «Хуршид»га айланиб кетгани, натижада менинг аризам нақ саккиз йил натижасиз қолдирилгани билдирилганди.

Ниҳоят, 1994 йилга келиб, суд орқали ҳақ-ҳуқуқларим қисман тиклангани билдирилиб, бу иш ҳам ниҳоясига етмагани учун таҳририятдан кўмак сўрагандим. Яъни Чилонзор судига Ижтимоий таъминот вазирлигидан 8 йиллик вақт учун (1986-1994) менга келтирилган зарарларни тўғри ҳисоблаб ундириш ҳақида даъво ариза бергандим. Суд эса 8 йил учун эмас, 5 йиллик зарар учун ундириш ҳақида қарор чиқарди. Энг ажабланарли томони шундаки, менга ўша пайтда 47164 сўм-купон эмас, балки Президент фармонлари асосида пенсияга қўшилиб борган ўсишлар билан 1 миллион 195 минг 214 сўм-купон тўланиши керак эди. Чунки бу миқдор менинг хомчўтим эмас, балки Ижтимоий таъминот вазирлиги маъсул ходимларининг ҳисоб-китоби эди ва бу ҳақида судга тегишли хужжатлар тақдим этилган. Менинг газетада чоп этилган шикоятимда айни масаланинг шу жиҳатига алоҳида урғу берилиб, 13 йилдан буён сарсонлигим билдирилганди.

Шикоятим чоп этилиши биланоқ, вазир таҳририятга норозилик хати юборди. Унда: «Ўзингиз ўйлаб кўринг, 13 йилдан бери кўп болали оддий ўқитувчининг (дарвоқе, касбим педагог — Р. Х.) иш ўрнида давлат идорасида ҳал бўлмаса-я!.. Бунинг устига яна ноаниқлик, адолатсизлик... Мақолани ўқиган муштарийларда: «Қани бу ерда ҳуқуқий жамият, қани қонун устуворлиги?» деган савол туғилиши аниқ...», деб таъкидлайдики, чамаси вазир андак асабий ҳолда мактуб битаётгани боис ўзи билмаган ҳолда рост гапириб қўйганга ўхшайди...

Вазир хат ниҳоясида: «Раҳимова Ҳ.нинг пенсия иши хужжатларида ҳам, вазирликда тўпланган 100 варақдан ортиқ 3 та папкада ҳам у кишининг исм-шарифи мақолада таъкидланганидек, «Раҳимов Хуршид эмас, балки Раҳимова Хуррият» деб кўрсатилган. Раҳимов Хуршид қаердан пайдо бўлганига ҳайронман», дея ранжийдилар. Ранжишга ҳожат йўқ, негаки, менинг исмим қандай ўзгариб қолгани сабаблари «пенсия иши» хужжатларида аниқ-равшан кўрсатилган ва уларга вазирликнинг айрим масъул ходимлари имзоларини қўйганлар...

Алқисса, у гап-бу гапдан хулоса: ушбуни вазир устидан ғиёв қилиб айтаётганим йўқ. Мақсадим — ҳақиқатни, ҳақ-ҳуқуқларимни тўла тиклашдир. Зеро вазирлар ўзгаравериши мумкин, адолат эса халқимиз айтганидек, маълум давр эгилиши, букилиши мумкин, аммо синмайди, барибир у тантана қилади. Мен бунга ишонаман!

Бу ҳақда вазирнинг ўзи эслаган хужжатлар ичидаги икки дона хужжат мазмунини келтирсак бас: чунончи, 28.02.94 йил санаси билан Ўзбекистонда пенсияларни ташкиллаштириш бўлими бошлиғи Р. Забитхўжаев имзо чеккан ва Х. Файзуллаев томонидан ёзилган Чилонзор ижтимоий таъминот бўлимига юборилган 2 варақли хат мавжуд. Бу хат вазирга ёқмаган шекилли оғзаки буйруқ билан Забихўжаев ва Файзуллаевларга уни сохталаштириб, мени исмим ва фамилиямни тўғрилаб, ундан «Раҳимов Хуршид» деган сўзларни олиб ташлаб, ҳажмини 1 варақка келтириб ёздирди ва унга ҳам 28.02.94 йил куни санаси қўйилса-да, уни 1994 йил 7 апрель куни топширди. Бу ҳолатни вазир ўзи билатуриб, рўй-рост ёлғон гапириб ўтиришни ўзига эп кўришига мен ҳам ҳайронман.

— Тўғри ҳозир Б. Умрзоқов ишдан кетган. Аммо мен бу гапларни вазир ишдан кетгандан сўнг ўлганнинг устига тепган қабилида айтаётганим йўқ, — дея таъкидлади онахон мулойимгина. — Фақат инсонларнинг қонуний ҳуқуқлари ҳимоя этилса бас. Ана шунда оддий халқнинг айниқса, менга ўхшаган онахонларнинг давлатимиз сиёсатига ҳурмати ортарди. Болаларини ҳам шунга яраша тарбия қиларди.

Гулнора РАҲИМОВА.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

2000 ЙИЛ ҲОСИЛИНИ ЕТИШТИРИШ УЧУН КУЗГИ-ҚИШКИ АГРОТЕХНИКА ТАДБИРЛАРИНИ МАБЛАҒ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

2000 йил ҳосилини етиштириш учун 1999 йилнинг сентябрь-декабрь ойларида ўтказиладиган кузги-қишки агротехника тадбирларини ўз вақтида маблағ билан таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йилги пахта хом ашёси, бошоқли экинлар дони, шоли ҳосилини етиштириш учун 1999 йилда ўтказиладиган кузги-қишки агротехника тадбирларига аванс бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилансинки, кузги-қишки тадбирларга аванс бериш давлат ресурсларига харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми юзасидан:

Бошоқли экинлар дони бўйича — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 17 августдаги 391-сон қарори билан белгиланган миқдорларда.

Пахта хом ашёси ва шоли бўйича — 1999 йил учун белгиланган давлат харидлари ҳажмларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси, «Ўздавпахтасаноатсотиш» уюшмаси ва «Ўздонмаҳсулот» давлат-акционерлик корпорациясига Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг» холдинг компанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда қишлоқ хўжалиги корхоналари билан 2000 йил ҳосили учун ушбу қарорнинг 2-бандида белгиланган ҳажмларда, 1999 йилги харид нархларидан келиб чиққан ҳолда, аванс бериш юзасидан контрактация шартномалари тузишни 1999 йил 15 октябргача таъминлаш вазифаси юклансин.

Белгилаб қўйилсинки, 2000 йил ҳосили юзасидан узил-кесил контрактация шартномалари 2000 йилнинг 1 чорагида пахта хом ашёси етиштириш, шоли бўйича давлат харидлари ва уларнинг харид нархлари прогнози белгиланган тартибда тасдиқланган кейин тузилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси, жамғарманинг молия агентлари бўлган тижорат банклари, «Ўздавпахтасаноатсотиш» уюшмаси ва «Ўздонмаҳсулот» давлат-акционерлик корпорацияси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзагросуғурта» компанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда хўжаликларда пахта хом ашёси, бошоқли экинлар дони ва шоли етиштириш учун, янгидан тасдиқланган технология карталари бўйича харажатлардан ва хўжаликларнинг моддий-техника ресурслари лимитларидан келиб чиққан ҳолда тузилган шартномалар асосида аванс берилишини таъминласинлар.

5. Ҳар бир қишлоқ хўжалиги корхонасини ички хўжалик ҳисоб-китобининг ва харажатларни ҳисобга олиш чек тизимининг жорий этилиши бўйича аттестациядан ўтказиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари бир ҳафта муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ҳамда вилоятлар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари, туманларда эса — туман ҳокимлари бошчилигидаги ҳудудий комиссиялар тузсинлар, улар зиммасига амалдаги ички хўжалик иқтисодий механизмини пухта таҳлил қилиш ҳамда 1999 йил 1 ноябргача тижорат банкларига ички хўжалик ҳисоб-китобини ва харажатларни ҳисобга олишнинг чек тизимини жорий этишнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1999 йилда пахта хом ашёси ва бошоқли экинлар дони харид нархлари ва ички хўжалик иқтисодий механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 15 майдаги 248-сон қарори талабларига мувофиқлиги ҳақида хулосалар тақдим этиш вазифасини юклосинлар.

Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармасининг молия агентлари бўлган тижорат банклари 1999 йил 1 ноябрдан бошлаб 2000 йил ҳосили учун аванс беришни фақат вилоятлар комиссияларининг қишлоқ хўжалиги корхоналарини ички хўжалик ҳисоб-китоб ва харажатларни ҳисобга олишнинг чек тизими жорий этилиши бўйича аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги ижобий хулосаси асосида амалга оширсинлар.

6. Харажатларни ҳисобга олишнинг чек тизимини ва ички хўжалик ҳисоб-китобини жорий қилмасдан харажатларни маблағ билан таъминлаш ҳоллари аниқланган тақдирда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг мансабдор шахслари амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилиши тўғрисида огоҳлантирилсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси 2000 йилда пахта хом ашёси, бошоқли экинлар дони ва шоли етиштириш учун 1999 йилда ўтказиладиган кузги-қишки агротехника тадбирлари учун аванс беришга ажратиладиган маблағлардан белгиланган мақсадда ва самарали фойдаланилиши юзасидан ялпи ва танлаб текширишларни мунтазам равишда ўтказсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг ўринбосарлари Б. Ҳамидов ва Б. Олимжонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1999 йил 23 сентябрь

Турмуш чорраҳаларида

БАРБОД БЎЛГАН МУҲАББАТ

Гулнора билан автобус бекатида тасодифан танишиб қолдим. У биринчи кунданоқ камтарлиги, ширинсўзлиги билан менга жуда ёқиб қолган эди. Оқ-сариқдан келган, истараси иссиқ, гўзал қошлари, майин нигоҳлари жуда жозибали эди. Тез-тез у билан учрашиб турадиган бўлдик.

Бир куни биз Гулнора билан театрга бордик. Театр кечга яқин тугади. Кун ҳам анча қоронғу бўлиб қолганлиги учун Гулнорани ўша куни уйигача кузатиб қўйдим.

Гулнора билан икки томонига тут дарахтлари экилган асфальт йўлдан борарканмиз:

— Сиз уйланяпсизми? — дея у дабдурустдан сўраб қолди.

Унинг бу саволи олдинига мени бироз ўйлантириб қўйди.

— Қачон, кимга уйланаётган эканман, — ҳайратланиб сўрадим. Гулнора бўлса гоҳ кулиб, гоҳ ерга қараб кимга бўларди, менгада, — деди.

Мен унинг бундай дейишини кутмаган эдим. Негаки, у билан танишганимга ҳали унчалик кўп вақт бўлмаган, ҳатто мен унга севги ҳақида гап очишга ҳам улгурмагандим. Шундай бўлсада, бир оз ўзимни тутиб олиб:

— Агар шу рост бўлса, — сиз менга турмушга чиқишга розилик берармидингиз, — дея сўрадим ундан.

Гулнора бироз атрофга ҳаяжон билан боқиб кулимсираганча фақат ҳозир эмасда, лоақал мактабни тугатай кейин майли. Аммо уйдагилар кўнишармикан...

— Гулнорахон, оилада нечтасизлар?

— Бешта. Икки укам, икки синглим бор.

— Демак оилада энг каттаси экансизда.

— Ҳа, лекин...

Унинг лабларини титроқ босиб, чарос кўзлари ёшлана бошлади. Мен эса нима қилишни билмай лол эдим. Сездим, шу топда у ўксиб-ўксиб йиғлагиси, ичини тирнаётган, дилини ўртаётган нарсалар ҳақида гапириб ўзига бироз таскин бергиси келиб турарди.

— Мени кечиринг Гулнорахон, сизни бироз ранжитиб қўйдим, шекилли.

— Йўғ-э. Шунчаки оилада энг каттаси экансизда, деганингиз учун бир оз хўрлигим келди-да. Ахир сиз менинг ичимдагиларни билмайсизда. Агар хоҳласангиз мен сизга ҳаммасини бошидан гапириб бераман. Зора шу билан бир оз юрагим бўшаса...

— «Бир куни мактабдан келаётганимда тасодифан машина уриб кетиб шифохонага тушиб қолдим. Шифохонада узоқ даволандим. Ўшанда олдимга ёши қирқлар чамаси бир аёл келди. Уни узоқ қариндошларимиздан бўлса керак, — деб ўйладим. Бироқ аёлнинг айтишича у менинг онам экан.

— Гапларингиз ёлғон, менинг онам уйда, — дедим.

Ўшанда аёл йиғлаб юборди. У кўзларидан оқаётган шашқатор ёшларини рўмолча билан артиб:

— Жон қизим, менга ишонгин. Ахир мен ҳам ўн олти йилдан бери бор ҳақиқатни яшириб, ичимда сақлаб юрдим. Етар, энди бошқа чидай олмайман. Сен ҳам бор ҳақиқатни ва ҳақиқий ота-онанг кимлигини билишинг керак, — дея бошидан ўтганларни сўзлай бошлади:

— Отанг билан илк бор танишганимда ўн етти ёшда эдим. Ўшанда эндигина мактабни тугатиб, Чирчиқдаги медицина билим юртига ўқишга киргандим. Бир куни ўқишга кечикканимдан катта кўчага югуриб чиқиб, дуч келган машинани тўхтата бошладим. Аксига олиб машиналар ҳадеганда тўхтайвермади. Ниҳоят бир оқ «Жигули» машинаси келиб тўхтади. Ҳайдовчига ўқишга кечикаётганлигимни айтдим. Бироз юрганимиздан сўнг у менга қараб:

— Сиз медицина билим юртида ўқийсиз-а? — деди.

— Ҳа.

— Мен сизни танидим, билим юртига борганимда кўргандим. Айбга буюрмайсиз, исмингиз нима?

— Матлуба.

— Менинг исмим Аловиддин.

Мана танишиб ҳам олдик, — деди у.

Биз у ёқ бу ёқдан гаплашиб билим юртига етиб келдик. Шундан сўнг у билан тез-тез учрашиб турадиган бўлдик. Бир куни ўқишдан чиқиб уйга қайтаётганимда Аловиддинни учратиб қолдим. Унга ишонганим учун машинасига чиқдим. Ўша куни, ҳеч кимса йўқ ҳилватгоҳ тўқайга олиб бориб машинасини тўхтатди. Ўша кечаси биз тўқайзорда қолиб кетдик. Машина ичида тонг оттирдик.

— Энди нима қиламан, — дея зорландим. Уйимдагилар билиб қолишса мени ўлдиришади, — дея ўксиб-ўксиб йиғладим.

— Матлубахон, сиз бу ёғидан хотиржам бўлинг. У ёқ бу ёғингизни тузатиб олинг. Бу воқеа ҳақида ҳеч кимга оғиз очманг. Мен тез кунда уйингизга совчилар юбораман, — дея тасалли берди. Орадан ўн кун ўтар-ўтмас совчилар келишди. Лекин онам билан отам қизимизни шаҳарга бермаймиз дейишиб, совчиларни қуруқ қайтаришди. Совчилар сўнгги бор келишганида отам уларни олдиларига солиб ҳайдадилар. Кўп ўтмай Аловиддин ака автомобиль ҳалокатига учраб вафот этганлиги ҳақидаги ноҳуш хабарни эшитиб қолдим. Уйдагиларга билдирмай хонамга кириб йиғлай-йиғлай ухлаб қолибман.

Аловиддин акамнинг ўлимидан тўққиз ой ўтгандан сўнг тун қоронғусида мени тўлғоқ тутди. Уйдагилар ҳеч кимга билдирмаслик учун зудлик билан мени машинада ноҳия туғруқхонасига олиб боришди. Ўша ерда сен туғилдинг. Отам билан онам қишлоқда шарманда бўлмайлик дейишиб, врачлар билан гаплашиб, сени туғруқхонага қолдиришга кўндиришди. Аммо мен уйдагилар билан узоқ яшай олмадим. Кечалари уйқуга ётсам сен ва отанг кўз олдимга келаверардинглар. Охири бир куни излаб борсам, сени кимгадир бериб юборишган экан. Ўша куни қишлоққа қайтиб бормадим.

Ҳозир шаҳарда яшаяпман. Ўзим билан ишлайдиган врачга турмушга чиқдим. Икки ўғлим, икки қизим бор. Майли, қизим, менинг айтганларимга хоҳ ишон, хоҳ, ишонма бу ўзингга ҳавола. Сенга бор ҳақиқатни айтдим холос, — дея йиғлаб чиқиб кетдилар. Бошқа қайтиб келмадилар. Кўп ўтмай тузалиб шифохонадан чиқдим.

Уйга келдим-у уйдагиларга бор гапни оқизмай-томизмай гапириб бердим. Отам бўлса: — Ҳа сен етимчани туғруқхонадан олиб келиб боқиб тарбия қилдик. Энди бир парча этлигингда ташлаб кетган ҳаромини она деяпсанми? — дея мени роса калтакладди... Ҳар сўзида «Сен етимчани эрга бериб қуритаман», — дегани-деган. Яқинда отам жияним Меҳриддинга турмушга чиқасан, дея зўрладилар. Мен эса йўқ деб туриб олдим. Отам мени яна дўппослади.

Мен уйдагиларга юзимни сидириб бўлса-да, бор ҳақиқатни айтдим. Гулнорага уйлаб қўйишларини илтимос қилдим. Отам-онам мени тушундилар.

Онам: «Майли совчиликка бориб, унаштириб қўяйлик, қизгина ўқишни битирса тўйни бошлаб юборамиз» дедилар.

Лекин Гулноранинг отаси совчиларни қувиб солибди. Ишқилиб севгилимнинг тақдири онасига ўхшамасин-да!..

Латифжон МАНСУРОВ.

НАРКОБИЗНЕС – ТЕРРОРНИНГ МОЛИЯВИЙ РАҲНАМОСИ

Қирғизистоннинг Боткен туманидаги вазият ҳамон кескинлигича турибди. Кейинги пайтда ҳукумат қўшинлари ва жангарилар ўртасидаги тўқнашувлар кучайди. Ҳар икки томондан ҳам қурбонлар бор. Оммавий ахборот воситалари жангарилар ортида хорижий давлатлардаги экстремистик кучлар тургани ҳақида хабарлар эълон қилди. Лекин, вазиятга чуқурроқ назар ташланса, террорчиларнинг маънавий раҳнамолари экстремистик кучлар бўлса, молиявий дастаги наркобизнес экани ойдинлашади. Боткенда танглик уюштириш орқали айрим қора кучлар бир ўқ билан икки қуённи уришни ўйлаган бўлса, ажаб эмас. Бу ғаразли мақсадларнинг биринчиси минтақамиз давлатларида конституциявий тузумни ағдариш бўлса, иккинчиси наркобизнес учун янгидан-янги йўналишлар очишдир. Гапни бир бошдан бошласак. Боткендаги террорчиларнинг Бирлашган тожик мухолифати, «Толибон» ҳаракати билан уевий алоқада эканлиги яқинда Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлигининг баёнотида ўз тасдиғини топди. «Толибон» ўз фаолиятини, асосан, наркобизнесдан келадиган даромад ҳисобига маблағ билан таъминлайди. Бундан Тожикистондаги қуролли гуруҳлар ҳам четда қолаётгани йўқ. Наркотик моддаларни назорат қилиш бўйича халқаро ташкилотлар, шунингдек, тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг маълумотларида қайд этилишича, Афғонистонда етиштириладиган жами оғунинг 90—95 фоизи «Толибон» назорати остидаги ҳудудларга тўғри келади. Толиблар бу соҳани ҳатто қонунийлаштириб қўйган. Буни гиёҳвандлик моддаларига жорий қилинган учта солиқ тасдиқлайди. Яъни, уни етиштирувчи деҳқон ҳам, хом ашёдан тайёр маҳсулот тайёрлайдиган «лабораториялар» ҳам ниҳоят, контрабанда билан шуғулланувчилар ҳам «Толибон» ҳукуматига солиқ тўлайди. Айтиш керакки, толиблар жамоатчилик фикрини чалғитиш учун хорижлик журналистлар олдида бир неча килограмм оғуни ёқиб юборади. Бундай саҳналардан кейин наркобизнесга алоқаси йўқлигини баралла айтади. Уларнинг мамлакат ичидаги сиёсатида эса, шариат «динсизлар» ёки «кофирлар»нинг зарари учун наркотик модда сотишга йўл қўяди, деган ақида ётади.

Энди масаланинг бошқа томонига эътибор қаратсак. Ўтган йили турли сабабларга кўра Афғонистонда ҳосил яхши бўлмади. Лекин, шунга қарамай, мамлакатда катта миқдордаги наркотик модда сотилмай қолиб кетди. Кузатувчилар бунинг биринчи сабабини Эрон ҳукумати томонидан Афғонистонга чегарадош ҳудудларда назорат кучайтирилганлиги билан изоҳламоқда. Натижада 1998 йилда килограмми 600—800 АҚШ долларида баҳоланаётган гиёҳвандлик моддасининг нархи бу йил 200 долларга тушиб қолди. Бу, табиийки, катта зарар, деган гап.

Вазиятни қандай ўнглаш мумкин? Марказий Осиё орқали транзит ҳажмини ошириш керак. Тожикистондаги беқарорлик бунинг учун жуда қўл келиб турибди. Лекин бу кам. Ўзбекистончи? Йўқ, бу мамлакатда назорат жуда кучли. Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари йилига тонналаб транзит юкларини ушлайди. Масалан, шу йилнинг биринчи ярмида 1,5 тонна гиёҳвандлик моддалари фош этилди. Демак, ечимни Қирғизистоннинг назорат нисбатан паст, ҳукумат қўшинларининг дасти доим етавермайдиган ҳудудларидан излаш керак... Боткендаги воқеалар сценарийси шу тахлит ёзилган бўлса ажаб эмас.

Ҳозирги пайтда Афғонистон иқтисодиётида давлат суяб турадиган бирор тармоқ йўқ. Қарийб йигирма йиллик уруш уларни тамомила барбод қилган. Бирлашган тожик мухолифати ҳам ниманинг эвазига қурол-яроғ, замонавий ҳарбий техника ва алоқа воситаларига эга бўлаётгани, қандай қилиб террорчиларни қўшни давлатларга чиқариб юбориб, уларни барча зарур ашёлар билан таъминлаб тургани, қолаверса, катта ҳақ тўлаётгани кишини ўйлантирмай қолмайди. Лекин, вазиятнинг таҳлили бунинг жавобини шундоқ ойдинлатиб турибди. Бундай катта харажатларнинг барчасини фақат наркобизнес ёрдамидагина қоплаш мумкин. «Толибон»нинг бу соҳани қонунийлаштириб олгани ҳақида юқорида тўхталгандик. Афсуски, Тожикистондаги ҳукуматга бўйсунмаётган қуролли гуруҳлар ҳам ана шу соҳа орқали кун кўради.

Юқоридагилардан шундай хулоса келиб чиқади. Бирлашган тожик мухолифати мамлакатда парламент ва президент сайловлари ўтгунга қадар ўз жангариларини Боткенда сақлашга қарор қилади. «Толибон» эса наркотик моддалари ташиладиган янги йўналиш очиш, қолаверса, ўз таъсир доирасини кенгайтириш учун уни қўллаб-қувватлайди. Ниқоб вазифасини ўтовчи мақсадлар асосан дин устига қурилади. Бу борада томонларнинг қараш-лари ҳам бир хил. Ҳокимиятпарастлик ва бошқа сиёсий, найрангбозликлар уюштириш устига қурилган асл мақсад эса панада қолади. Режани юқоридагилар белгилайди, ижрони эса алданганлар, адашганлар ёки дордан қочганлар бажаради. Боткендаги террорчиларнинг ҳаммаси шу уч тоифадан бирига мансуб эканлигига шубҳа йўқ. Маълумотларга қарагандa, Боткендаги террорчилар жангга киришдан аввал, албатта, гиёҳвандлик моддасидан истеъмол қилади. Бу шижоатни кучайтирибгина қолмай, жангарини раҳмшафқатсиз, қилаётган ишининг мазмун-моҳиятини билмайдиган манқуртга айлантириб қўяди. Шифокорларнинг айтишича, наркоманияни даволаш жуда қийин, кўп ҳолларда мумкин эмас. Унинг домига тушган киши узоғи билан 4—5 йил яшайди. Боткендаги террорчилар буни билмайди. Бундан уларнинг раҳнамоларигина воқиф. Лекин бу раҳнамоларнинг ўзлари наркотик модда истеъмол қилмайди. Мана шунинг ўзиёқ юқоридаги фикрларни тасдиқлаш учун етарли бўлса керак.

Аммо, нима бўлганда ҳам, террорга молиявий раҳнамолик қилаётган наркобизнеснинг ҳам, жангариларга маънавий дастак бераётган экстремистик кучларнинг ҳам режалари барбод бўлиши аниқ. Чунки, ҳозир Қирғизистон қуролли кучларининг Боткендаги истеҳкомлари мустаҳкамланган, босқинчи жангариларга қарши курашда минтақамиздаги беш давлат, шунингдек, Россиянинг тегишли идоралари ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйган. Қуршовда қолган террорчиларга сичқоннинг ини минг танга бўлмоқда.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Замондошларимиз ҳақида ҳикоялар

АЁЛЛАР ЙИЛИДА ҲАМ ЭРКАКЛАРГА ҚАЛҚОНМАН!

дейди адвокат Феруза опа Файзуллаева

— Аёлни асрамоқ энг муқаддас иш. Бу ишнинг уддасидан чиққан инсон жаннати бўлади, дейдилар. Ҳадиси шарифларда ҳам «Жаннат оналар оёғи, остидадур» деган калом бежиз ёзилмаган. Аёл — инсоният булоғи, кўз чироғи, авлодлар давомийлиги, фарзандлар келажаги, оила бахти — саодати демак!..

«Аёлни асраш» деган иборани ҳар ким турлича талқин этиши шубҳасиз. Биз ҳуқуқшуносларнинг ҳам бу борада ўз нуқтаи назаримиз бор. Касбимиз тақозосига кўра биз бошқалар қатори аёлларни ҳам жиноятчилик кўчасига билиб-билмай кириб қолишларидан, турли хил фалокат-у бало — қазолардан асраш ҳақида ўйлаймиз.

Баланд тоққа ҳар ким ҳар хил йўллар билан чиққани мисол, табиатан заифаларни асрашнинг ҳам турфа усуллари бор. Менимча, аёлни асрамоқ учун аввало уларнинг суянган тоғлари бўлмиш эркакларни кўпроқ қўллаб — қувватламоғимиз лозим. Эркаги бор уйнинг ўзига яраша файзи бўлади. Атоқли шоиримиз Ғафур Ғуломнинг бир ажойиб шеърини ҳамиша такрорлаб юраман. Мана, бир мағзини чақайлик-а:

Йигитлар халқларнинг мақтови-кўрки,
Наслнинг жавҳари, давлат таянчи,
Юртнинг ободлиги, тўйлар сабаби,
Элнинг гуркираши, файзи кувончи...
Йигит омон бўлса хавфу хатар йўқ,
Қалқон бор: қалъа бут, кўргон саломат,
Қизлар кулгисида авжу даромад,
Чоллар уйқусида жаннат, фароғат.

Қаранг, йигит омон бўлса, бошқалар учун, айниқса, аёллар, оналар, қизлар, келинлар учун энг катта бахту-саодат шу бўларкан. Халқимиз ҳар бир гапини, мақолини ўйлаб, жуда чуқур мушоҳада қилиб айтган. Масалан, Ота — оила султони! Қайси оилада эркакнинг роли ўзига яраша бўлса, ундай хонадондан файзу барака аримайди. Файзли хонадонда эса ҳеч вақт кўнгилқорачилик, турли иллатлар бўлмайди. Жиноят деган жирканч иллат илдиз отмайди. Демакки, аёлнинг ҳам жиноятчилик кўчасига кириш — кирмаслиги аввало эркакка боғлиқ.

Катта кўчада уйларига шошаётган эркакларга бир разм солинг; чеҳраси очиқми, руҳим тетикми, борингки, бола-чақасига атаб бирор нарса кўтариб кетяптими, демак, унинг иститқболига ошиқиб чиққан рафиқаси, йўлларига кўз тикиб ўтирган нуроний онаизори, дадажонисини қурганидаёқ қувончи ичига сиғмай кетадиган жажжи қизалоги қанчалар шодон бўладилар! Шу лаҳзада уларнинг қувончларига олам ҳам торлик қилиб қолса ажабмас.

Кимки аёлни бахтли-саодатли кўрмоқ истаса — эркакларни асрасин, қўллаб-қувватласин, маслакдош бўлсин!

Қайсики қонун ҳимоячиси аёлларнинг жиноят кўчасига кириб қолишларига қарши курашишни ният қилса, аввало, эркакларнинг аҳволидан бохабар бўлсин! Зарур бўлса, унга тўғри йўл кўрсатсин, қўллаб-қувватласин. Ана шундагина онатабиатнинг энг ноёб мўъжизаси ҳисобланмиш аёлларга катта гамхўрлик қилган, ҳаётнинг бетакрор лаззатидан бахраманд этган бўламиз!...

Ажойиб адвокат аёл — Ферузахон Файзуллаева билан бақамти суҳбатлашиб ўтирарканман, беихтиёр унинг сўзларини қоғозга тушурардим. Гарчи гаплари шоиронадек туюлса-да, қарийб йигирма йилдан бери унинг сўзи билан иши бир. Касбининг тақозоси шунақа. Адвокат — қонун йўли билан Инсон Ҳимоячиси бўлган опанинг ўз ишига қай йўсинда ёндошиши, албатта, шахсий иши. Тажрибали шифокорлар касални даволашдан кўра вақтида унинг олдини олган маъқулроқ, деган ақидага амал қиладилар. Буни қарангки, ҳимояга муҳтож бўлиб қолган аёлларни ҳимоя қилишда Феруза опа ҳам ўзига хос йўл танлабди. Мантиқан нақадар ибратли йўл! Ҳаёт қонуниятини, мазмун-моҳиятини жуда теран англаган инсонгина шундай кашфиётлар қилиши мумкин. Ҳа, буни қонуншунослик соҳасида ўзига хос кашфиёт десак муболаға бўлмас!

— Ўтган йили, яъни оила йилида кўплаб «иш»ларимизга худди шу нуқтаи назардан ёндошганимиз яхши самара берди, — дейди адвокат опа. — Қанчадан-қанча оилалардаги чигал масалалар ижобий ҳал этилди. Жиноий ишларни кўриб чиқишда ҳам, фуқаролик ишларини ижобий ҳал этишда ҳам кимга қандай талаб қўйишни билиш зарур. Юқорида таъкидлаганимдек, агар оилада муҳит соғлом бўлса, бунинг учун оила бошлиги ўз ўрнини билса, масъулиятни ҳис этса, ҳаёт рисоладагидек давом этиши мумкин. Фуқаролик ишлари кўриб чиқилаётганида айрим мутасаддилар айбни кўпроқ эркаклардан ахтаришади. Тўғри, аёлни эъзозлаш жуда-жуда муҳим. Аммо, ҳар бир жабҳада тарози паллаларини тенг қўйиш керак-да.

— Аёл бўла туриб жиноят кўчасига кириб қолаётганлар ҳам йўқ эмас. Уларни бевосита ҳимоя қилишда қандай йўл тутасиз?

— Собир Раҳимов туманида ўтган йили жуда ноҳуш воқеа юз берган; бир оиладан уч опа-сингил нашафурушликда айбланиб, қўлга олинган. Буни қарангки, ўша опа-сингилларнинг ҳам бундай бўлмағур йўлларга кириб қолишида айрим эркаклар кўпроқ айбдор экан. Ҳатто, улар билан ўчакишиб юрган кап-катта бир эркак ичиқоралик қилибди. Ожизаларнинг заиф томонидан фойдаланиб, «уюштириб» юборишга ҳаракат қилган... Ўша опа-сингилларни ҳимоя қилишга киришганимда аввалига анча ўйланиб қолганман. Беайб инсонни жиноятчига чиқариш қанчалик мушкул гуноҳ бўлса, росмана айбдорни оқлаш, ҳимоя қилиш ҳам шу қадар мураккабдир. Нашафурушлик жирканч иллат. Бундай жиноят кўчасига кирганларга гоҳида шафқат қилгинг келмайди. Бироқ, ўша одам айбсиз «айбдор» бўлсачи?.. Ҳимоямда бўлган опа-сингиллар ҳаётини жуда зийраклик билан ўрганишга тўғри келди. Қанчадир даражада бунга муваффақ бўлдим ҳам.

— Ишларигиз жуда кўпдир-а?

— Ҳар ойда ўртача икки-учта «иш» кўрилишида қатнашишимга тўғри келади. Баъзилари бир неча ойга чўзиладиган чигал ишлар. Муҳими, ҳақиқат тантана қилса бўлгани. Бунинг учун тинимсиз ўқиш, изланиш лозим. Гоҳида мавжуд қонунларимизни турлича талқин қиладиган, воқеликка ўзгача муносабатда бўладиган терговчилар, прокурорлар билар «кураш» осон кечмайди. Суднинг ҳукми сиз кутгандек бўлмай қолган тақдирда ниҳоятда ноҳуш аҳволга тушасиз? Барибир, қонунчиликда тақдирга жимгина тан бериб кетавериш ярамайди. Ўз ҳақиқатимиз, пировардида — Қонун тантанаси учун курашдан ҳеч қачон чарчамайман.

Феруза опага бу касб аслида «қон билан кирган». Пойтахт шаҳримизда улғайган отаси Саъдулла ака Файзуллаев 1951 йили юристлик дипломи билан Бухоро вилоятига ишга юборилган. Ўшанда меҳнат фаолиятини Вобкент туман прокуратурасида оддий терговчиликдан бошлаган эди. Бир неча йил Шофкирон туман прокуратурасида ҳам ишлаган Саъдулла ака бош терговчилик лавозимига кўтарилди. Сўнг, 1960 йилдан 1974 йилгача Ғиждувон шаҳар прокурори вазифасида фаолият кўрсатди.

— Отам севган касбини катта иштиёқ билан давом эттираётган, прокурорлик вазифасини бошлаган йили мен дунёга келганман, — дейди ҳаяжон билан Феруза опа. — Қонимда шу касбга бўлган иштиёқ «туғма» бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Қолаверса, эсимни танибманки, оиламизда кўпроқ қонунчилик, адолат, ҳақиқат учун кураш, жиноятчиликнинг пайини қирқиш мавзусидаги суҳбатлар бўларди. Отажонимга меҳрим қанчалик юксак бўлса, у кишининг касбига бўлган ихлосим ҳам кам эмасди. Отам изидан боришни олий саодат деб билганман. Орзуларим ҳақида эшитган отам бир куни шундай насиҳат қилганлар: «Юрист бўлишингга мутлақо қарши эмасман. Фақат, сен терговчи, прокурор бўлишга уринма. Менга қолса, сен — адвокат, оқловчи, ҳимоячи бўлганинг маъқул. Шуни яхши билки, қонунчилик соҳасида адвокатнинг ўрни — терговчи, ҳатто прокурорникидан кам эмас! Гап, ўша вазифангни қойил қилиб уддалашингга боғлиқ, қизим!... «Устоз отангдан улуғ» деган калом бор халқимизда. Буни қарангки, менинг энг катта устозим ҳам Отажонимнинг ўзларидир. Шул сабаб, раҳматли отамни оддий оталарга нисбатан юз бора, минг бора улуғ Инсон деб биламан. Минг афсус, отам раҳматли ҳаётдан эрта кетди... Бир оғир хасталикка чалинганча етти йил бурун омонатларини топширдилар... Отамнинг насиҳатлари аслида васият ҳам экан. уни то абад адо этиш умрим мазмуни бўлиб қолади.

Шундай инсонлар бўладики, ҳаётларида ҳалол ва самарали меҳнатлари билан ўзларига мангу ҳайкал қўйиб кетадилар. Бир кун паймонаси тўлганида ҳам ўтган умри армонсиз бўлганига иймон келтирадилар. Саъдулла ака ҳам гарчи бугун орамизда бўлмаса-да, руҳан ҳаётлар, дегинг келади. Бутун умрини юрти ва элини қонуний муҳофаза қилишдек эзгу ишга бахшида этган инсон ҳаётини, жўшқин фаолиятини эндиликда фарзандлари давом эттираётир. Шу нуқтаи назардан Феруза опани ҳақли равишда падари бузруквори ҳаётининг давомчиси дейиш мумкин. У 1980 йили Тошкент Давлат университетининг юридик факультетини тамомлагач, республика Адлия вазирлиги йўлланмаси билан Шайхонтохур туман адвокатурасида меҳнат фаолиятини бошлади. Бу ерда анчагина тажриба орттиргач, Собир Раҳимов туман адвокатурасида фаолиятини давом эттирди. Олти йил мобайнида бу туманда қанча эзгу ишлари амалга оширмади дейсиз. Қанчадан-қанча фуқароларнинг қонуний ҳимоячисига айланганида ва адолат тантанасига эришганида ўзини бахтиёр ҳисоблаб яшади. Сўнг, уни Тошкент шаҳар ихтисослаштирилган махсус адвокатурасига таклиф этишди. Мана, етти йилдирки, у ўз жамоасида етакчи адвокатлардан биридир. Ишчан адвокат аёл учун қаерда ишлашининг аҳамияти йўқ. Ўз бурчини шараф билан бажараверади. Бунинг учун тинимсиз изланаверади.

— Ҳаётда менга катта қувонч бахш этадиган ҳол шуки, фарзандларим ҳам бувларининг ёрқин ҳаёт йўлини давом эттириш ниятидалар, — дейди фахр билан Феруза опа. — Ўглим Мақсуджон айни дамларда Ички ишлар вазирлиги Академиясида, қизим Фарида эса Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика университети тарих — ҳуқуқшунослик факультетида таҳсил олишаётир. Улар ҳам келгусида қонунчилик соҳасининг турли жабҳаларида фаолият кўрсатишмоқчи.

Демакки, бу оилани ўзига хос сулола дейиш мумкин!

Суҳбатимиз сўнггида яна «эркакларга қалқон» бўлиш иштиёқи қандоқ пайдо бўлгани ҳақида сўрадим.

— Ҳаётдан олган сабоғим бу, — дейди жўнгина қилиб Феруза опа. — Қизалоқлигимда энг катта давлатим, мададкорим — Отам бўлган бўлсалар, турмушга чиққанимдан бўён суянчиғим, ишонганим — фарзандларимнинг дадажонисидир... (Опа турмуш ўртоғи Мирҳасан ака Мирсоатовнинг исм-шарифини андиша қилиб айтмадилар!) Демак, ўзгалар тақдири, қисмати ҳақида ўйлаганимда аввало ўз ҳаётимдан, атрофимдаги инсонларнинг муносабатларидан хулоса чиқариш фойдадан ҳоли бўлмайди. Севимли шоиримиз Эркин Воҳидовнинг ушбу сатрларига эътибор беринг-а:

Инсон билан тирикдир инсон,
Муҳаббатдан ҳаётнинг боши.
Одамзодга бахш этади жон,
Одамларнинг меҳр кўёши!..

Ҳаётдан, ҳаёт кўзгуси ҳисобланмиш адабиётдан ҳам шу қадар катта сабоқ, таъбир жоиз бўлса — маънавий қувват олиб фаолият кўрсатаётган ажойиб адвокат аёл бу соҳада ўзига яраша мактаб яратганига иймон келтирдим. Ҳуқуқий давлатимизда адвокатларнинг нуфузи тобора ортиши Феруза файзуллаева сингари фидойиларнинг жўшқин саъй-ҳаракатларига ҳам боғлиқдир, дегим келади.

Тўлқин ЭШБЕК.



Она изидан...

ҚИРҒИЗИСТОН ЖАНУБИДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

22 сентябрдан 23 сентябрга ўтар кечаси босқинчи тўдалар Сирт, Тескей, Ҳайдархон қишлоқлари йўналишида Қирғизистон Республикаси ҳукумат қўшинларининг назорат постларига қатор ҳужумлар уюштирди. Жангариларнинг барча ҳужумлари қайтарилди.

Ҳарбий тўқнашувлар чоғида террорчилар сезиларли талофат кўрди. Жангарилар Қирғизистон ҳарбий бўлинмаларининг қуршовини ёриб ўтишга уриниш билан бир вақтда, йўллар ва тоғ суқмоқларини миналаштирмоқда. Баланд тепаликларда снайперлар учун мустаҳкам истеҳкомлар қурмоқда. Бирлашган тожик мухолифатининг тоғли шароитда жанг қилиш бўйича тажрибага эга бўлган дала командирлари кўрсатмасига биноан, Зардоли ва Ҳўжа очкан қишлоқлари яқинидаги жарликларга пойлоқчилар қўймоқда.

Айни пайтда жангарилар ўқ-дори, озиқ-овқат ва иссиқ кийимга кучли эҳтиёж сезмоқда. Тўдаларда жангариларнинг ярмини 18 ёшдан 20 ёшгача бўлган ўсмирлар ташкил қилади, улар орасида интизом сусайган, тушкунлик ва ўз кучига ишонмаслик кайфияти ҳукмрон. Қирғизистон ҳарбий бўлинмалари билан жанглар чоғида ҳарбий тажрибага эга бўлмаган ёш жангарилар ўз ўрнини ташлаб кетгани ҳақида далиллар бор. Босқинчи тўдаларнинг бошлиқлари ёш жангариларни таҳдид қилиш йўли билангина ўз ўрнида ушлаб турибди.

Хоитдан (тожикистон) Ҳўжа очканга бирлашган тожик мухолифатининг Али-Боксёр (шайх) бошчилигидаги гуруҳи жўнатилди. Бу гуруҳ ўқотар қуроллар, Зенит қурилмалар ва пиёда аскарлар ишлатадиган миномётларга эга.

Қирғизистон жанубида захирадаги ҳарбий хизматчиларнинг сафарбарлиги давом этмоқда. Улар туман комиссарликлари қошида тайёргарликдан ўтмоқда.

Қирғизистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари диний экстремистларни топиш ва ҳаракатини чеклаш ишларини фаоллаштирди. Турли минтақаларда ҳар хил экстремистик оқимларга мансубўлган 70га яқин одам ушланди, зўрлик билан конституциявий тузумни ағдариш ва теократик тартиб ўрнатишга даъват қиладиган катта миқдордаги адабиёт, аудио ва видеокассеталар ва бошқа материаллар мусодара этилди.

(ЎзА).

Савоб ишни ҳар ким ҳар куни қилиши керак

Мустақиллик боис халқимиз кўп яхши нарсаларга эришди. Маънавий қадриятларимиздан тортиб бугун ҳаётимизга кириб келаётган янгича анъаналарнинг Ўзбекистоннинг эртанги истиқболига хизмат қилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Янгича анъаналарни қарор топтиришда партия ташкилотларининг ҳам роли катта бўлмоқда.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Фарғона вилоят Кенгашининг ташаббуси билан марғилон шаҳар ҳокимияти билан ҳамкорликда Марғилон шаҳридаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган тўй ҳам бунинг ёрқин далилидир. Бу тўйда Марғилон ва Фарғона шаҳарларидаги кам таъминланган оилаларнинг 40 нафар фарзанлиди қўли халолланди. Албатта суннат тўйига мутасаддди ташкилотлар ҳам бош-қош бўлдилар. Улар партия Кенгашининг буюртмаси билан тўй болаларга бошдан-оёқ сарпо қилиб бердилар. Тўйни чинакам қувончга айлантириш, болакайларга хушкайфият улашиб, уларнинг қалбига бахт ва қувонч туйғуларини сингдиришга маҳаллий санъаткорлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшдилар. Бу кун уларнинг қалбида шубҳасиз бир умр муҳрланиб қолади.

Суратларда: Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Фарғона вилоят Кенгашининг биринчи котиби Абдусамат Мамажонов тўй болалар хисобига икки минг сўмдан қўйилган пулнинг омонат дафтарчаларини топширмоқда; туй болаларнинг бир гуруҳи ота-оналари билан.

Суддан кейинги ўйлар

ҚАРЗ БЕРДИЮ ҚОЛДИ БАЛОГА

Баъзилар ҳозир шундай аҳволга тушдики, бамисоли «от ўйин» дейсиз. Болалар миниб ўйнайдиган «от ўйин»да ҳам қўғирчоқ отлар бирбирини тинмай қувлайверадию сира етишолмайди. Биз қарз бериб қўйиб ундиролмай юрганларни назарда тутяпмиз.

Раҳимберди Зокиров Олимжон Рустамов билан Янгийўлдаги консерва заводида ишлаб юрганларида танишгандилар. Кейин Олимжон бошқа ишга кетди. Шундан кейин орадан вақт ўтиб, кунларнинг бирида Раҳимберди Олимжонни кўриб қолди. Ҳол-аҳвол сўрашдилар.

— Заводда туника қопқоқ ясайдиган станок бор, — деди Раҳимберди. — Лекин ишлатишга пул йўқ. Пулингиз бўлса, бериб туринг.

— Қанча? — деди Олимжон.

— Икки минг доллар.

— Мен ўйлаб кўраман.

— Бир ҳафта муҳлат ўйлаб кўришингизга. Устама фоизи билан бўлса ҳам майли.

Олимжон ўйлаб кўриб, рози бўлди.

— Бу икки минг доллардан бир ой ичида қутила оламизми? — сўради Олимжон пулни беришдан аввал. — Чунки бировдан фоизи билан қарзга олдим.

— Агар ишимиз юришиб турса, қутиламиз, — жавоб берди Раҳимберди. У пулни 30 фоиз устамаси билан қайтаришга кўнди.

Раҳимберди қопқоқ учун тунука сотиб ола бошлади. Лекин негадир иши юришмади, қарзни ҳам қайтаролмади. Олимжон келиб қарзнинг фоизи ўсиб бораётганини айтди ва ойига 20-30 минг сўмдан ундира бошлади.

Орадан тўрт ойча ўтди. Кунларнинг бирида Раҳимберди:

— Ҳисоблашиб кўяйлик, яна қанча қарзим қолди? — деб сўради. Олимжон долларнинг ўша пайтдаги курсини ҳисоблаб чиқиб, 3000 қарзи қолганини айтди.

— Агар бермасанг, милицияга шикоят қилиб ундириб оламан, — деди.

Вақт ўтаверди, 1997 йилнинг 14 майи келди. Раҳимберди юмуши билан Олимжоннинг ишхонасига борди. Олимжон билан кўришиб:

— Нима бўляпти, ҳаммаёқ тинчликми? — деб сўради.

— Қарз олган одамимга 1000 доллар бериб тинчитдим. Сизда 2000 доллар қолди, — деди Олимжон. — Тез тўғрилаб беринг.

Шунда Раҳимберди Янгийўл шаҳар милициясига бориб, Олимжоннинг устидан шикоят қилди. У ерда «қўғирчоқ пул тайёрлашиб кимёвий ишлов беришди. Раҳимберди пулни халтага Ботир деганнинг машинасида Олимжонникига жўнади. Ботир Олимжонни уйидан чақириб чиқди.

— Олим ака, менга эртагача мебель керак, шуни бугун топишимиз шарт, — деди Раҳимберди Зокиров.

— Эртага бозор, ҳеч ким ишламайди. Ҳозир магазинчининг уйига ўтамиз. Агар унда бўлса, магазинни очиб олиб беради, — деди Олимжон Рустамов.

Машинани магазинчининг уйига қараб ҳайдашди. Касалхона ёнига етиб келганларида Р. Зокиров целлофан халта тутқазди:

— Мана сиздан қарзим, санаб кўринг. 90 минг сўм.

О. Рустамов халтани ёнига қўяркан, деди:

— Тўғри бўлса бўпти-да.

ДАН масканига етишди. Рулда ўтирган Ботир машинани тўхтатиб «Сигарет олишим керак» дея пастга тушиб кетди. Худди шу пайт милиция ходимлари келиб Олимжон Рустамовни ушлашди.

Мана, шу муносабат билан терговчи ёзган қарор: «Қарор. Янгийўл шаҳар ИИБнинг ТБси терговчиси, милиция катта лейтенанти Ю. Аширов жиноят иши билан танишиб қуйидагиларни аниқладим.

1997 йил 17 май куни О. Рустамов ТАЛОНЧИЛИК қилганлиги сабабли ушланган...»

Шундай қилиб, Олимжон Рустамов устидан жиноят иши бошланиб кетди ва у 11 йилга озодликдан маҳрум этилди!

Энди бундай оғир жазога дучор этган сўроқ баённомаси билан танишинг. Жабрланувчи Раҳимберли Зокиров, яъни, қарз олиб вақтида тўлай олмаган одам, терговчи А. Комилов.

«Савол: Айтинг-чи, Сиз ўзингизнинг кўргазмангизда Рустамов 1995 йил май ойидан бошлаб ҳар ойига 20-30 минг сўмдан пул олиб кетган ва йил охиригача берган жами пулларингиз 4000 АҚШ долларига тенг келади, деб кўргазма бергансиз. 1995 йил қайси куни ва қачон, кимнинг олдида қанча миқдорда Рустамовга пул берганингизни айта оласизми?

Жавоб: Рустамовга 1995 йил май ойидан бошлаб берган пулларимни қачон ва қаерда берганим эсимда йўқ. Йил охирида Рустамов билан унга берган пулларимни ҳисоблаган вақтимизда 4000 АҚШ долларига тенг келганини билдик.

Савол: Айтинг-чи, Сиз ва Рустамов 2000 АҚШ долларини 30 фоиз устама нархга бирга олганмисизлар ёки бир ўзингиз олганмисиз?

Жавоб: Рустамов билан бирга 2000 АҚШ долларини 30 фоиз устама нарх билан бирга олганмиз. Ундан пул топиб келиш бўлган, мендан эса ишни олиб бориш ва ташкиллаштириш бўлган.

Савол: Рустамов билан бирга илгарилари ҳам тижорат ишлари бўйича мулоқотда бўлганмисиз?

Жавоб: Мен Рустамовни яхши танирдим, лекин аввалари тижорат ишлари қилмаганмиз.

Савол: Айтинг-чи, Рустамов сизга қандай тазйиқ ўтказди ёки қўрқитди?

Жавоб: Агар пулни бермасанг, сени разборга олиб бораман деб қўрқитган, лекин менга қуч ишлатмаган.

Савол: Рустамов оила аъзоларингиздан кимни қўрқитиб кетган ва қачон?

Жавоб: 1996 йил январь ойларида уйимга келиб хотиним Зокирова Зухрани қўрқитиб, «Пулни бермаса, уйларингни сотиб ҳам қутиломайсизлар» деб кетган.

Савол: 1997 йил 17 майда қандай ҳолатда Рустамов сиздан 90 минг сўм пулни олган?

Жавоб: 1997 йил апрель ойларида Рустамов уйимга келиб «Яна 3000 АҚШ доллари берасиз, деб туриб олди. Мен унга «Олимжон ака, икки йилдан бери 9000 АҚШ доллари тўладим. Агар ишларим юришиб кетганида, фойдани иккаламиз бўлар эдик-ку, энди қолган пулни ўзингиз тўланг» дедим. Орадан 15-20 кунлар ўтиб Янгийўл шаҳар мебель фабрикасига келганимда Рустамовни кўриб қолдим. У 3000 долларни талаб қилди ва менга мебель топиб беришга ёрдамлашишини айтди. 1997 йил 17 май куни учрашишга келишдик. Шунда мен милиция ходимларига ариза билан мурожаат қилдим. Улар менга 90000 сўм махсус пул беришди. Рустамов билан келишилган жойга бордим. Лекин у келмади. Шунда унинг уйига бориб чақирдим. Машинага ўтириб унинг мебель топиб берадиган танишиникига кетаётганимизда махсус пулни бердим. Кейин ДАН маскани олдида тўхтаганимизда мидиция ходимлари уни ушлади.

Савол: Рустамовга қандай даъвонгиз бор?

Жавоб: Менинг 7000 долларимни қайтариб берсин.

Савол: Сиз унга пулларни АҚШ долларида берганмисиз ёки Ўзбекистон миллий валютасидами?

Жавоб: Ҳамма пулни миллий валютада берганман».

Олимжон Рустамов Раҳимберди Зокировдан 1996 йилда жами 300.000 олгани, қарздор 1997 йилнинг сентябригача яна 2000 доллар тўлашга ваъда қилгани ҳақида кўргазма беради.

Хўш, бу ўзаро олди-берди қаттиқ режимли 11 йиллик қамоқ жазосига сабаб бўла оладими? Ахир, Зокиров қарзини вақтида узмаган-ку! Орадан ойлар эмас, балки йиллар ўтаверган, долларнинг курси эса ошиб борган.

Дастлабки терговда О. Рустамовга нисбатан Ўзбекистон ЖК 165-моддаси 3-қисми «а» банди билан иш қўзғатилган. Лекин кейинчалик янги ҳолатлар туғилмаган бўлса-да, ҳеч қандай асоссиз иш 168-модда 4-қисми «а» бандига алмаштирилган. Терговчилар ишнинг асл моҳияти, жиноятни келтириб чиқарувчи сабабларни чуқур текширмаганлар. Натижада, адвокат таъкидлагандай, жабрланувчи айбланувчига айланиб қолган. Суд жараёнида ҳам ушбу камчиликлар бартараф этилиш ўрнига фақат айбнома асосида ҳукм чиқарилган.

Мана, энди савол туғилади: Бу жиноятни уюштириш эмасми? Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, О. Рустамов Р. Зокировга ўша куни «Пул олиб кел» демаган. Деган тақдирда ҳам, адвокат айтгандай, бу жиноий ҳаракат бўлолмас эди. Чунки шартга кўра Р. Зокиров пулни ўз ихтиёри билан келтирган бўларди. Устига устак, Р. Зокиров О. Рустамовнинг уйига ўзи чақириб бориб, қўлига махсус ишлов берилган пулни тутқазган.

Кейин, нимагадир пулларга ёзилган кунлар бирбиридан фарқ қилар эди. Улардан бирига «1997 йил 17 май», бошқаларига «1997 йил 29 апрель» деб ёзилган. Бу тўғрида экспертнинг ҳужжати мавжуд. Суд мажлисида сўроқ қилинган терговчи А. Комилов мазкур ишни қабул қиларкан, аввал тергов ҳаракатларини олиб борган Ю. Ашировдан 90.000 эмас 20000 сўм олганини айтди. Ю. Аширов «Пулнинг қолган қисми Тошкент вилояти ИИБ КР ва ТККБ тезкор вакилларида» деган. Махсус пулларга ёзилган кунларнинг нима учун ҳар хиллигини аниқлаб бўлмаган, чунки терговчи Ю. Аширов суд мажлисига келишдан бош тортган.

Суд ўз ҳукмида айбланувчининг жинояти қайси ҳолатларга кўра исботини топгани ва фирибгарлик аниқ қайси йўсинда содир этилгани асослаб берилмаган. Жабрланувчи, гувоҳларнинг дастлабки тергов ҳамда суд тафтишида берган кўргазмалари О. Рустамовнинг ҳаракатларида жиноят аломати йўқлигини исботлаб турибди. Яъни у Жиноят кодексининг 168-моддасида айтилган алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан бировнинг мулкини қўлга киритишни кўзламаган.

Шунингдек, суд ҳукмидаги «О. Рустамовдан Р. Зокиров ҳисобига 370000 сўм ундирилсин» дейилган гапга нима дейиш мумкин? Ахир, Р. Зокиров берган пулларни тасдиқловчи гувоҳлар ҳам, ҳужжатлар ҳам йўқ-ку Кейин, умуман, устама ҳақ қўйиб қайтариш шарти билан қарз бериш жиноятми ўзи? Агар жиноят бўлса, барча банклар шунинг ҳисобидан кун кўради-ку? Чет эл инвестициялари ҳам фақат фойда олиш учунгина киритилади-ку?

«Халқ судни фақат қоралайдиган, жазолайдиган орган сифатида эмас, аксинча, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қиладиган орган деб билиши керак» деган эди Президентимиз Ислом Каримов. Наҳотки, икки ошнани келиштириб, ораларидаги ҳисоб-китобни тўғрилаб қўйиш билан кифояланиш мумкин эмасми?

Хуллас, саволлар қаторқатор. Олимжон Рустамов эса, мана, икки йилдан ортиқдирки қаттиқ режимли қамоқда жазо тортиб ётибди.

«Адолат ва ҳақиқат — икки ўта теран тигга ўйшайди. Бизнинг қўпол асбобларимиз уларни аниқ ушлай олмай, мажақлаб ташлайди ҳамда уларни ўраб турган юзага, яъни ҳақиқатга эмас, ёлғонга таянади. Биз қаерга кетаётганимизни кўрмаслик учун кўзларимизни дуч келган нарсалар билан тўсганча жарга қараб интилаверамиз» деган эди бир файласуф. Мана шу заковат сабоғининг мағзини чақиб, айниқса, инсон тақдири ҳал этилаётганда, иш кўрсакгина асл мақсадга етамиз.

Мурод ТИЛЛАЕВ.

Спорт

БОЙ БЕРИЛГАН 16 ДАҚИҚА

Ушбу учрашув ҳар томонлама мезбонлар ва меҳмонлар учун ҳам муҳим ахамият касб этарди. Сафарда қаторасига икки ўйинда мағлубиятга учраб қайтган «Хоразм» футболчилари олдида ўта масъулиятли вазифа турарди. Биринчидан, ўз муҳлислари ишончини оқлаш бўлса, иккинчидан пешқадамга қарши майдонга тушишлари лозим эди. Тошкент вилояти вакилларини эса унданда жиддий синов кутарди. «Дўстлик»нинг асосий таркибидан бир йўла беш нафар етакчи ўйинчиси қатнашмаслиги қўшимча муаммолар туғдирганди. Бевосита ўйинга қайтсак биринчи бўлимнинг 10-дақиқасигача жамоалар гўёки «разведка» усулида тўп суришди. Бу орада биронта ҳам хавфли вазият вужудга келмади. Ниҳоят, 12-дақиқада ўйинда жонланиш сезилди ва хоразмликлар дастлабки ҳужумга интилишди. Чап қанотдан меҳмонлар жарима майдончасига ёриб кирган Михаил Фомин кучли зарба билан Осмоновнинг зийраклигини текширди. Меҳмонлар дарвозабони эса тўпни қийинчилик билан қайтаргач, қулай вазиятда турган Владимир Баранов қайтган тўпни дарвозага аниқ йўллай олди. Орадан қисқа фурсат ўтгач, Владимир иккинчи тўп муаллифи ҳам бўлганди. Бироқ, учрашув ҳаками «гол» ўйиндан ташқари ҳолатда киритилди деб ҳисоблади. Сўнгра, «Дўстлик» футболчилари фаолроқ ҳаракат қила бошлашди. Натижада бир неча бор Рошчиннинг «тинчлиги бузилди». Айниқса Хасанов Пономарёв комбинациясидан кейин ҳисоб тенглашиши мумкин эди. Бироқ Попомарёвнинг кучли зарб билан тепган тўпи шундоққина дарвоза тўсини ёнидан ўтиб кетди.

Иккинчи бўлим бошида хоразмликлар ҳисобни яна оширишди. Заҳирадан майдонга тушган Александр Борисовнинг «шохона зарбаси»дан сўнг... — 2:0.

Демак, ғалаба майдон эгалари томон оға бошлаган ва мухлислар қувончи чексиз эди. Бироқ, кутилмаганда майдонда муъжиза рўй берди. Бор-йўғи 16 дақиқа мобайнида Фарид Хабибулин (2 марта) ва Алишер Бозоровлар Рошчин қўриқлаётган дарвозани «ўққа тутишди». Ҳисоб энди меҳмонлар фойдасига ўзгарганди-2:3. Албатта ўтказиб юборилган ушбу голларда «Хоразм» дарвозабони ва ҳимоячиларининг муносиб «ҳиссалари» бор. Айнан уларнинг қўпол хатолари нафақат жамоа учун қимматга тушди, балки, минглаб мухлисларнинг ранжишига ҳам сабаб бўлди...

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 21 сентябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун 1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгилади:

1 АҚШ доллари — 135 сўм 08 тийин.

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги «Қайқубод» хусусий фирмаси
ТУГАТИЛАДИ
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Қилмиш-қидирмиш

ҚЎШМАЧИ ҚЎШГАН ЭДИ...

Аёл — сирли хилқат. У — мўъжиза. Ҳоҳ оламнинг дардини киприги ила кўтармоққа қодир. Ҳоҳида-чи? Мен жуда кўп аёлларни учратдим. Аёл бўлиб дардларини тингладим, дўст бўлиб маслаҳат бердим. Мен аёл ва она сифатида умид билан турмуш қурган ҳар бир аёлга оналик бахти насиб этишини тилайман. Афсуски, шундай мунаввар кунларимизда ҳам аёллик ва оналик шаънига, номига доғ тушириб, енгил ва ифлос йўллар билан яшашга уринаётган, ҳатто жиноят йўлига кириб кетаётган кимсалар ҳам бор. Улар албатта ўз гуноҳлари учун Оллоҳ ва қонун олдида ўз жазоларини оладилар.

З. Умарова Халқлар дўстлиги даҳасидаги уйларнинг бирида истиқомат қиларди. Иккинчи гуруҳ ногирони бўлмиш бу аёлнинг икки нафар фарзанди ҳам бор. 42 ёшли бу аёл кўнглининг ҳохлаган манзилларида сайр этишга чоғланди. У ҳаётим фақат ўйин-кулгидан иборат деб тор ўйлаганди. Бироқ, кўнглининг кўчаси гоҳо шармандали йўлларга олиб чиқишини англамаган экан.

З. Умарова ногиронлиги учун олаётган нафақага сабр-тоқат қилиб ўтирмади. Бозор-ўчарга чиқай деса ярамайди. Шундан сўнг у ўйлай-ўйлай мўмайгина пул топишни режалаштирди... Кейинги кунларда унга ақл бўладиган, ўзи ҳам яхши танимайдиган «дугоналари» кўпайиб қолганди. Ана шундай таниш дугоналаридан бири Омина эди. Бир куни у хали вояга етмаган Донохонни етаклаб келди.

Соат тунги ўн бирларга яқинлашиб қолганида остонада бир «мижоз» ҳозиру нозир бўлди. Хонадон соҳибаси йигитдан озиқ-овқат учун деб 400 сўм, Донохон эса нон учун 200 сўм пул олишди. «Мижоз» тушмагур Ўктамжон ҳам анчагина шаддод экан, бир зумда тунги овқатни ҳозир қилди. Икки аёлнинг кўнглини кўтарадиган илиқ сўзларни гапирди. Ўтириш қизигандан қизиб борарди. Шу пайт Ўктам хонадон эгаси Замирага узрини айтди-ю, Донохонни дам олишга таклиф этди. Донохон ҳам кўпни кўрган эканми, ҳали ёш бўлишига қарамай, йигитнинг таклифига рози бўлди...

Кутилмаганда эшик тақиллади. Уйқусираб эшикни очган З. остонада жонсиз ҳайкал каби қотиб қолди.

— Биз туман ички ишлар бўлимиданмиз, ичкарига киришга рухсат этинг...

Милиционер йигитлар ичкарига киришди. Ётоқхонада айшини сураётган икки «ошиқ» ички ишлар ходимлари томонидан ушланди. Ўктамнинг иккала аёлга берган пуллари далилий ашё сифатида олиниб, ҳужжат тузилди.

З. Умарованинг содир этган жинояти, ўзининг айбига икрорлигидан ташқари иш бўйича тўпланган объектив далиллар, гувоҳларнинг кўрсатмаси, қўшмачилик эвазига олинган пул — фактлари тўлиқ исботлангач, унинг ҳаракатлари аниқ-равшан тасдиқланди. Суд ҳукми эълон қилиниб, З.Умарова, Ўзбекистон Республикаси қонунларига биноан ҳақли жазога тортилди.

Ўйлайманки, суднинг ҳукми одилона. Лекин назаримда гап ҳукмда эмасдай, гап адашган аёлларда... Қўшмачилик билан шуғулланаётган фақатгина З. дейсизми, йўқ. Тумонимизда бундай қабиҳ иш билан шуғулланиб, жазо олган аёллар бармоқ билан санарли бўлсада, бор. Аёл энг аввало, оила учун яратилган. Бу иноят унга Оллоҳ марҳамати ва ўз ота-онасининг тарбияси орқали берилади. Бунга ҳар ким ҳам сазовор бўла олмаслиги мумкин.

Бу аёллар бир оиланинг фариштаси бўлиб, ҳалол луқма билан ҳам фарзанд боқиши мумкин эди-ку? Халқимизда аёллик шаъни, ор-номуси, ҳаёсини ҳар недан устун қўйиб келинган. Лекин бу аёллар кўра-билар туриб аёл — она номига доғ туширишган. Баъзан бундай аёлларни кўриб, қилмишлари тўғрисида эшитиб, «хайф сизга аёл деган ном» деб қоламиз.

Дилором ҚУРБОНОВА,
Бешариқ туман судининг раиси.

Қаҳрамонларимиз

Ўрта Чирчиқ туманининг «Қорасув» қишлоғида истиқомат қилувчи Қаҳрамон она
Роҳатой ОРЗИЕВАнинг
63 ёши билан чин дилдан табриклаймиз! Роҳатой онамизга сиҳат-саломатлик, умрига умр қўшилсин, доимо бизнинг бахтимизга омон бўлсин
Маънога бой сўзингиз
Кенг дарёдек
кўнглингиз.
25 неваранинг
бувижони
Узоқ бўлсин умрингиз.

Ҳурмат эҳтиром ила
шоира Гулзода ҚУБАШОВА.

Маданиятлар шаҳрида

(27 СЕНТЯБРДАН 3 ОКТЯБРГАЧА)

● ҚЎЙ — Уддабуронлик ва тадбиркорлик сизга арзимаган майда-чуйдадан даромад қилишда қўл келади. Ҳатто ғанимларингиз билан муносабатлардан кони фойда чиқаришингиз турган гап. Ҳафтанинг дастлабки уч кунида иш билан боғлиқ қийинчиликлар, жанжаллар эҳтимоли бор. Шунингдек, шамоллаб қолишингиз, хафагарчилик келтирувчи хабар олишингиз мумкин.

● БУЗОҚ — Кўп нарсалар тадбиркорлигингиз ва фаоллигингизга боғлиқ бўлади. Вазиятлар таъсирида қарашларингизни қайта кўришга тўғри келади. Ғайриоддий ҳолатларга қизиқишингиз сизни баъзи ҳаракатларга бошлайди, бироқ бу ҳолат яхши тугайди. Жанжаллар, севикли кишилар, фарзандларингиз ҳамда ота-онангиз билан муносабатлардаги мураккабликлар, соғлиғингизда муаммолар кутилмоқда.

● ЭГИЗАКЛАР — Тадбиркор ҳамкорлар, шерикларингиз, жуфти ҳалолингиз билан бўлган муносабатларда қандайдир муаммо, тўсиқлар келиб чиқади. Айниқса, моддий масалаларда эҳтиёт бўлинг, чунки ўз-ўзингизни алдаб қўйишингиз ҳеч гап эмас. Соғлиғингиз ёмонлашиши, шикаст етишидан эҳтиёт бўлинг.

● ҚИСҚИЧБАҚА — Моддий-молиявий масалаларга жиддий ёндашув, уй-хўжалик фойдасига қаратилган ҳаракатлар, кўчмас мулк ва йирик харидлар сизга омад келтиради. Низоли ҳолатларда, айниқса, битим, келишувлар, сафарлар билан боғлиқ масалаларда муросасизлик фойдадан ҳали бўлмайди. Севган кишингиздан кўнглингиз совиши мумкин.

● АРСЛОН — Ҳал этилаётган масалаларда тўлиқ ахборотга эга бўлмасангиз ҳеч қандай қарор қабул қилмаганингиз яхши. Фақат шундагина сиз хатолардан ҳоли бўласиз ва обрўйингизни сақлайсиз. Ҳафтанинг сўнгги уч куни уй-хўжалик икир-чикирлари билан боғлиқ кўпгина ишлар билан банд бўласиз. Яқин кишиларингиз, қариндошлар масаласи ҳам кўндаланг келиши мумкин.

● ПАРИЗОД — Ушбу ҳафта низоли ишларни ечишингизда қўл келади. Молиявий масалалар бароридан келади. Бироқ ҳафтанинг сўнгги кунларида уйингизда бирбирингиздан норозилик кайфияти юзага келиши мумкин.

● ТАРОЗУ — Иш жойингизда алоқаларингиз кенгайиши ва касб борасидаги мулоқотлар қўшимча иш ёки ўриндошлик асосида лавозим топишингизга ёрдам беради. Қариндош-уруғлар, қўшнилар билан майда кўнгилсизликлар ва хўжалик ташвишлари ороминги олиши мумкин, фарзандлар ва кекса ота-онангиз билан бўладиган муносабатда эҳтиёт бўлинг.

● ЧАЁН — Йиғилиб қолган муаммоларнинг чигалини ечиш учун кутилмаганда йўл топасиз. Оилангизнинг моддий ҳолатини тиклашга қаратилган ҳаракатларингиз бароридан келади. Ҳаммасидан ҳам кўчмас мулк, қимматбаҳо қоғозлар билан операциялар омад келтиради.

● ЎҚОТАР — Ушбу кунларда моддий масалалар домига тушиб қолишингиз мумкин. Харажатларингиз даромадингиздан ошиб кетиши мумкин. Янги танишларга диққатингизни жалб қилишингиз керак. Негаки, бу сиз учун жуда фойдали бўлади. Кутилмаганда ўз оилангиз, севикли кишингиздан ёрдам олишингиз мумкин.

● ТОҒ ЭЧКИСИ — Ушбу ҳафта сизга қарши қаратилган ҳаракатларни сезишга интилинг. Ўз қувват ва қимматли вақтингизни эса керакли йўналишга: оила, унинг моддий манфаати йўлига сарфланг. Шуни унутмангки, бу ерда муваффақият эҳтимоли жуда кучли. Кексайган қариндошларингиз соғлиги муаммо келтириши мумкин.

● ҚОВҒА — Баъзиларни моддий-молиявий масалаларда омад кутмоқда. Бироқ ушбу кунларда ишнинг кўпайиб кетиши, озгина кўрслигингиз эса обрўйингизга путур етказиши мумкин. Шахсий масала ва муаммоларингизни ечишда тўсиқларга дуч келасиз.

● БАЛИҚ — Сизга ҳамфикр режалар яратувчиси бўладиган киши билан тасодифий танишув кутмоқда. Яқин кунларда ишларингиз бароридан келади. Шахсий муаммо ва масалаларни асабингизни қойитмасдан ҳал этинг. Бироқ яқин қариндошларингиз муаммолар келтириши кутилмоқда.

Куч-адолатда Адолат
Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши ва «Адолат» газетаси ижодий жамоаси.

Бош муҳаррир: Тўхтамурод ТОШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Турғунпўлат ДАМИНОВ, Абдували ҒУЛОММАҲМУДОВ, Улуғбек ДОНИЁРОВ, Анвар ЖЎРАБОЕВ, Акмал ҚОСИМОВ, Тўхтамурод ЖЎРАЕВ, Рустам АҲМАДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Акбарҳўжа РАҲИМОВ, Каримжон РИХСИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Равшан ҲАЙДАРОВ, Мурод КАЛОНХОНОВ.

Мулоқот учун телефонлар:
Қабулхона — 133-41-89.
Котибият — 136-55-64.
Эълонлар бўлими: 136-55-96.
Навбатчи — Анвар САФАРОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 140. Буюртма Г— 0745, ҳажми—2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Газета IBM компьютерида терилди.

• Мақолада келтирилган факт ва рақамлар учун фақат муаллифлар жавоб берадилар.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди 21.30.

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси-32.